Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига — 3 сўм. Сотувда — 5 сўм.

1992 йил 25 декабрь, жума № 252-253 (21..351).

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲЕЧ КИМ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИЗ ҚОЛМАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва уни истеъмол моллари билан барқарор таъминлаш юзасидан амалга оширган чора-тадбирлар мажмуи натижасида республикада МДҲнинг бошқа минтақаларига қараганда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий молларнинг нархлари нисбатан паст бўлиши таъминланмоқда.

Республика ички истеъмол бозорини ҳимоя қилишни кучайтириш, савдо ташкилотларининг бир маромда ишлашини таъминлаш ҳамда аҳолининг озиқ-овқат ва ашёвий молларга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида қондириш мақсадида Вазирлар маҳкамаси меҳнаткашларнинг истакларини ҳисобга олиб «1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қабул қилинган қарорда молларни купонли карточкалар билан сотишнинг мавжуд тизимини 1993 йилда сақлаб қолиш кўзда тутилади.

Молларни купонлар бўйича сотишнинг мавжуд тартиби самарадорлигини ошириш ва мавжуд камчиликларни олиниб, 1993 йил 1 январдан бошлаб янги нусхадаги купонли карточкалар муомалага чиқарилади, уларнинг ёзиб қўйилган қиймати оширилиб, 150, 200, 500, 1000 ва 2000 купонга етказилади. Айни вақтда 1992 йил нусхасидаги купонлар бекор қилинади.

Меҳнаткашларнинг бериладиган купон миқдорини кўпайтириш тўғрисидаги илтимос ва таклифлари эътиборга олинди.

Бунинг учун 1993 йил биринчи чорагига бериладиган купонларнинг миқдорини белгилашнинг янги жадвали жорий этилади, шу жадвалга мувофиқ бериладиган купонлар миқдори икки баравар кўпайтирилади.

Масалан, барча талабалар, илгари 500—530 купон олган бўлсалар, янги жадвалга мувофиқ 1000 ва ундан кўпроқ купон оладиган бўладилар. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор бошқа табақалари учун ҳам купонлар бериш шу тарзда кўпайтирилади. Чунончи, 2000 сўм пенсия оладиган пенсионер илгари 550 купон олган бўлса, янги жадвалга мувофиқ 1000 купон олади, 3000 сўм пенсия оладиган пенсионер 580 купон олган бўлса, энди 1050 купон олади.


Қарорда қиймати 5000 сўмдан ортиқ бўлган моллар купонлар бўйича ҳам, чек дафтарчалари бўйича ҳам сотилиши кўзда тутилади.

Янги вақтинчалик низомга биноан бола боқиш таътилида бўлган аёлларга, кекса ёлғиз фуқароларга ва вақтинча даромад манбаига эга бўлмаган уй бекаларига, бошқа бир қанча тоифадаги фуқароларга бериладиган купонларнинг миқдори 1000 сўмга етказилади.

Республика аҳолисини 1993 йил январида янги нусхадаги купонлар билан ўз вақтида таъминлаш учун купонлар олдиндан — биринчи марта шу йил 31 декабргача берилиши, кейинчалик эса иш ҳақи, пенсия, стипендия ва бошқа тўловлар билан айни бир вақтда берилиши белгиланган.

Қабул қилинган қарорда ва вақтинчалик низомда молларни купонлар бўйича сотишнинг тасдиқланган тартибига риоя этилишини назорат қилишни кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўзда тутилган, бу ишларни махсус тузилган ҳукумат комиссияси мувофиқлаштириб туради.

ФАРҒОНА ДАРВОЗАСИ



Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги байрами арафаси эди. Мамлакатимиз цаҳар ва қишлоқлари бу улуғ айёмни муносиб кутиб олиш тараддудида. 130 йиллик мустамлака кишанларидан халос бўлган ўзбек халқи зўр ҳаяжон, юксак ғурур ҳиссига тўла. Шу кунлари Фарғона шаҳрида мустақиллик куни шарафига рамзий дарвоза қуриш ташаббуси кўтарилди.

1992 йил 17 август куни Фарғона шаҳри пойида улкан дарвоза қурилиши тагзаминига тамал тоши қўйиш маросими бўлиб ўтди. Бу рамзий дарвоза мустақиллигимизнинг мустаҳкамлиги, бошқача айтганда, энди юртимизнинг дарвозаси борлигига ишора эди.

Кўп ўтмай дарвоза қурилишида ишлар қизиб кетди. Бу чинакам маънодаги умумхалқ ҳашарига айланди. Корхоналар ва ташкилотлар, оддий фуқаролар ўз жамғармаларидан мана шу дарвоза қурилишига пул ажрата бошладилар. Фарғона пойабзал бирлашмаси, Марғилондаги «Ҳайрия» кичик корхонаси, Қува матлубот жамиятлари уюшмаси, Марғилон «Ёш ленинчи» савдо корхонаси, азот ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қува дон маҳсулотлари комбинати, вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси ва бошқа ўнлаб корхоналар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Дарвоза қурилиши қизғин кетаётган кунларнинг бирида Фарғонага «Эл» халқаро жамиятининг президенти, асли марғилонлик, ҳозирда Америка Қўшма Штатларида истиқомат қилаётган Абдурауф Мақсудий рафиқаси Пошшахон ая билан Фарғонага ташриф буюрди. Улар дарвоза қурилишининг боришини кўриб бағоят мамнун бўлдилар ва шахсий маблағларидан 8 миллион сўм ажратиб дарвоза қурилишига инъом этишди. Кейинроқ эса яна бир юртдошимиз туркиялик Усмонхўжа жаноблари дарвоза қурилишига 2 миллион сўм ҳадя этдилар. Ҳа, чиндан ҳам қурилиш юртимиз аҳли ва кенг олам бўйлаб сочилиб кетган ўзбекларни ҳам бирлаштирадиган иншоотга айланди.

Фарғонанинг рамзий дарвозаси қуриб битказилди. Марғилондан Фарғонага кириб бораверишдаги тепалик устида қад кўтарган бу гўзал ва улуғвор иншоот атиги 90 кунда битказилди. Халқимизнинг қўли гул усталари, сергайрат қурувчилари ва дидли меъморлари қисқа муддатларда гўзал Фарғона жамолини яна ҳам очадиган, унга муносиб дарвоза бунёд этдилар. Ишонамизки, эндиликда бу дарвозадан Фарғонага фақат юртимизнинг дўстлари кириб келадилар. Ундан қадимий ипак йўлидан яна қатнай бошлаган замонавий карвонлар ўтадилар. Зеро, сен хонадонинг аҳволига баҳо бермоқчи бўлсанг, аввал унинг дарвозасига боқ, деган экан донишманд. Фарғонанинг ўзига ярашган рамзий дарвозаси Шарқ ва Ғарб йўлидаги катта бекатлардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз. Йиллар ўтади, ҳур Ўзбекистоннинг кейинги авлодлари ҳам вояга етади. Улар мана шу дарвоза мустақиллигимизнинг биринчи йили шарафига бунёд этилганлигини эслаб юришади. Сиз билан биз учун мана шунинг ўзи ҳам улкан бахт.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1993 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ички Истеъмол бозорини ҳимоя қилишни кучайтириш, аҳолини энг зарур моллар билан барқарор таъминлаш, шунингдек молларни купонлар бўйича сотишни янада тартибга солиш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. 1993 йилда бутун Республикада молларни купонли карточкалар билан сотиш тартиби сақлаб қолинсин.

1993 йил 1 январдан бошлаб янги нусхадаги купонли карточкалар муомалага киритилсин, айни вақтда 1992 йил нусхасидаги купонли карточкалар ҳақиқий эмас, деб ҳисоблансин.

2. Купонли карточкалар ёзиб қўйилган қиймати 150, 200, 500, 1000 ва 2000 купон тарзида муомалага чиқарилади, деб белгилаб қўйилсин.

3. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни ҳисобга олиб, 1993 йилда купонли карточкалар бўйича мол сотиш, карточкаларни бериш, сақлаш, ҳисобга олиш, инкассация қилиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом (биринчи илова);

аҳолига купонсиз сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий молларнинг рўйхати (иккинчи илова).

4. Молларнинг миқдори ва аҳолининг даромадларини тартибга солиш мақсадида 1993 йилнинг биринчи чорагги учун купонларни қайд этилган даромадлар бўйича бериш миқдорини аниқлашнинг табақалаштирилган янги жадвали белгилансин (учинчи илова).

5. Барча мулкчилик шаклларидаги вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар қайд этилган даромадларнинг кўпайишини ҳисобга олиб, янги жадвалга мувофиқ зарур миқдордаги купонлар учун шу йил 25 декабргача тегишли банк муассасаларига лабномалар тақдим этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси марказий банки топширилган талабномаларга мувофиқ зарур миқдордаги купонлар берилишини таъминласин.

Республиканинг барча корхона, ташкилот, муассасалари, хўжаликлари ишловчи фуқароларга, нафақахўрларга, талабаларга ва аҳолининг бошқа тоифаларига 1993 йилнинг январь ойи учун шу йил 31 декабргача олдиндан купонлар берилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, қиймати беш минг сўмдан ортиқ бўлган моллар республика аҳолисига купонлар бўйича ҳам, ҳисоб-китоб чеклари, чек дафтарчалари бўйича, ёки омонатчиларнинг топшириқларига мувофиқ пул ўтказиш йўли билан ҳам сотилади.

7. 2 ёшгача бўлган болаларни болалар овқати маҳсулотлари билан кафолотли таъминлаш мақсадида бепул бериладиган болалар таоми рецептларини махсус бланкларда, қолган болалар учун оддий рецепт бланкларида купонсиз бериш тартиби сақлаб қолинсин.

8. Молларни купонлар бўйича сотиш устидан назоратни янада тартибга солиш мақсадида Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети 1993 йил 1 январдан бошлаб бутун Ўзбекистон Республикасида такомиллаштирилган 1-савдо формаси асосида унга купонлар бўйича оборот; молларни нормага мувофиқ бериш оборотн; тижорат савдоси обороти графалари қўшилишини ҳисобга олиб, ойлик ҳисоб статистикасини жорий этсин.

«Ўзбексавдо» давлат уюшмаси билан Ўзбекбирлашув 1992 йил 25 декабргача Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб, купонлар бўйича сотиладиган молларни ҳисобга олиш жорий этилиши муносабати билан товар обороти тўғрисидаги ҳисобот йўриқномасини қайтадан тақсимлаб, уни амалий дастур ва ижро учун, қайси идорага қарашли эканидан қатъий назар, корхона ва ташкилотларга юборсинлар.

9. Ушбу қарорнинг амалга оширилишини таъминлайдиган Республика комиссиясининг таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Ўз ҳудудларида истеъмол бозорини ҳимоя қилиш чора ва тадбирлари комплекси таъминланиши, шунингдек молларни купонлар бўйича сотишнинг тасдиқланган тартибига сўзсиз риоя этилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг ҳокимлари зиммасига шахсан масъулият юклатилсин.

11. Марказий банк, «Ўзбексавдо» уюшмаси, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон Жамғарма банки, Алоқа вазирлиги, «Ўзкооптайёрловсавдо», «Ўздавлатнефтмаҳсулот» бирлашмасининг йўриқномаларига ва тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

МОЛЛАРНИ КУПОНЛИ КАРТОЧКАЛАР БЎЙИЧА СОТИШ, КУПОНЛАРНИ БЕРИШ, САҚЛАШ, ҲИСОБГА ОЛИШ, ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШ ВА МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасида ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида купонли карточкалар* 1993 йилда амал қилади.

2. Купонли карточкалар мол сотиб олиш ҳуқуқини берадиган бир марта фойдаланиладиган ҳужжатдир.

II. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИДА МОЛЛАРНИ КУПОНЛИ КАРТОЧКАЛАР БЎЙИЧА СОТИШ ТАРТИБИ

3. Давлат савдоси, матлубот кооперацияси тизимида, хусусий дўконларда, шунингдек мол ишлаб чиқарувчи, мол алмашув операциялари натижасида ва валютага сотиб олувчи ҳамда уларни ўз ҳодимларига сотувчи корхона ва ташкилотларда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда ашёвий моллар, мазкур низомнинг 4 ва 5-бандларида кўзда тутилганларидан ташқари, купонлар бўйича сотилади.

Молларнинг қийматини мавжуд пул белгилари билан тўлаш чоғида карточкадан купонларнинг эквивалент қисми қирқиб олинади.

4. Қуйидагилар купонларсиз сотилади:

2-иловага мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий моллар;

умумий овқатланиш корхоналарининг маҳсулотлари;

ҳарбий қисмлар (муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига), колониялар ва аҳлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларини ичида жойлашган дўконлардаги моллар;

хусусий дўконларнинг ўз маблағига республика ташқарисидан сотиб олинган моллар;

иккиламчи хом ашё топширган аҳолига сотиладиган ҳалқ истеъмол моллари;

фойдаланилган материаллар ва эҳтиёт қисмлар қиймати ҳам қўшилган ҳар қандай хизмат турлари.

5. Моллар учун тўлаш пайтида купонлар (беш сўм ва ундан ози ҳисобга олинмайди, беш сўмдан ортиғи 10 сўм қилиб) яхлитлаштирилади.

Қиймати беш минг сўмдан ортиқ бўлган моллар аҳолига купонлар бўйича ҳам, шунингдек чек дафтарчалари бўйича ёки омонатчиларнинг топширигига биноан банк муассасаларидаги ҳисоб варақаларидан ўтказиш йўли билан ҳам тўланади.

6. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кооперативларнинг чакана савдо шоҳобчалари орқали нақд пулга купонсиз мол сотишлари тақиқланади. Карточкасиз купонлар ёки тегишли тартибда расмийлаштирилмаган купонлар ҳақиқий эмас.

7. Савдо корхоналари, муассасалар ва ташкилотларда купонлар кесиб олиш ва қадаб қўйиш орқали тўланади, улар ёзиб қўйилган қийматига қараб гуруҳларга ажратилади ва иш куни давомида корхонадаги моддий жавобгар шахсда (сотувчи, хазиначи, назоратчи-хазиначи), мол сотилиши учун масъул бўлган шахсда сақланади. Карточкалар харидорга қайтариб берилиши лозим.

8. Магазинларнинг сотувчилари, шунингдек корхона ва ташкилотларда алмашув операциялари натижасида ҳамда валютага олинган молларни сотиш учун масъул бўлган шахслар савдодан олинган тушумни сўм ва купон тарзида икки томонлама ҳисоблаб чиқадилар. Купонлар қатъий ҳисоб-китоб ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

9. Молларни купонлар бўйича сотиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида савдо ташкилотлари ва омборлар юқори идораларга ҳамда бошқармаларга белгиланган статистика ҳисоботи бўйича маълумотлар тақдим этадилар.

Савдо ташкилотларининг раҳбарлари мол-пул ҳисоботларини тақдим этиш юзасидан белгиланган муддатга қараб (беш кундан ёки етти кундан кейин) ҳар бир дўкон сўм ва купон тарзидаги пул тушумини икки ёқлама ҳисобга олиш юзасидан белгиланган тартибга қандай риоя этаётганини албатта текшириб борадилар. Бу тартибга ҳамда купонларни пул тушуми билан айни бир вақтда топшириш юзасидан белгиланган йўриқномага риоя этилишини таъминламаган, шунингдек купонларнинг инкассация қилиниши юзасидан белгиланган тартибни (купонларни кесиб олиш, қадаб қўйиш, тахлаш ва ҳоказо тарзда қайтариб олиш қоидасини) бажармаган савдо корхоналари (дўконлар)нинг раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан бўшатилиши лозим.

Ўз қарамоғидаги корхоналар (дўконлар) томонидан вақтинчалик низом бажарилишини таъминламаган савдо ташкилотларининг раҳбарлари шахсан жавобгар бўладилар.

10. Банк муассасаларида тушган купонларни ҳисобга олиш, уларнинг ҳаракати ва топширилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон Жамғарма банки, Алоқа вазирлиги, «Ўзкооптайёрловсавдо», «Ўздавлатнефтмаҳсулот» бирлашмасининг йўриқномаларига ва тартибига мувофиқ амалга оширилади.

III. КУПОНЛАРНИ ФУҚАРОЛАРГА БЕРИШ ТАРТИБИ

11. Купонлар: асосий иш, ўқиш, хизмат жойидан, нафақалар ўтказилган пуллар олинадиган алоқа бўлимлари ва тегишли банклардан;

шахсий ёрдамчи хўжалигида банд бўлган ва ўз маҳсулотини топширувчи шахсларга — умумий асосларда тегишли ташкилотлар томонидан;

ҳарбий хизматчи бўлган пенсионерларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга — банк муассасаларидан;

корхона ва ташкилотлардан стипендия олувчи талабаларга — фақат ўқиш жойидан берилади.

Иш ҳақи тўлашга банк муассасаларидан нақд пул олмайдиган ва иш ҳақини тушган даромаддан тўлайдиган ташкилотлар купонларни умумий асосларда банкдан оладилар.

Республикада жойлашган, аммо иш ҳақини пул ўтказиш йўли билан бошқа жойлардан оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга купонлар банк муассасалари томонидан белгиланган тартибда иш ҳақи рўйхатлари тақдим этилганда берилади.

Уриндошлик юзасидан ишловчи шахсларга купонлар асосий иш жойидан умумий даромадга қараб, меҳнат шартномалари бўйича иш ҳақи олувчиларга эса умумий асосларда берилади.

Вақтинча иш билан банд бўлмаган ва ишсизлик юзасидан нафақа олиб турган аҳолига купонлар нафақа олаётган жойидан жадвалда белгиланган миқдорда берилади.

12. Ходимларга таътил маблағлари ёзнлаётганда берилаган купонларнинг миқдори ҳар бир таътил ойига алоҳида ҳисоблаш асосида белгиланади.

Банклар ва корхоналар берган қарзлар, шунингдек суғурта идоралари томонидан тўланадиган пуллар купон билан таъминланмайди.

IV. БЕРИЛАДИГАН КУПОНЛАР МИҚДОРИ

13. Бериладиган купонлар миқдори 3-иловага мувофиқ табақалаштирилган жадвал бўйича иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа берилиши лозим бўлган қайд қилинган даромадларнинг (солиқларни, алиментларни ва бошқа ушлаб қолиладиган суммаларни чиқариб ташлаб) миқдорига қараб белгиланади, йириклаштириш қоидаларига мувофиқ тегишли миқдоргача йириклаштирилади (50 сўмгача ҳисобга олинмайди, 50 сўм ва ундан кўпи 100 сўм ҳисобланади).

Доимий иш жойига эга бўлмаган ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириб, ўз маҳсулотини колхоз бозорида сотувчи ёки кооперативларга топширувчи ёҳуд муаллифлик гонорарлари олувчи шахсларга, шунингдек Республика ташқарисида ишловчи кишиларга купонлар олиш учун рухсатнома кўрсатилгач, яшаш жойидаги банк муассасаларида жадвал билан белгиланган миқдорда берилади. Купонлар олишга рухсатнома солиқ инспекциялари томонидан берилган даромадлар тўғрисидаги маълумотномалар асосидаги яшаш жойидаги маҳаллий бошқарув идоралари (ҳокимликлар) томонидан берилади.

Муаллифлик гонорарлари олувчи фуқаролар давлат солиқ инспекцияларига даромадларни олган жойдан берилган ўтган йилдаги даромадлар тўғрисидаги маълумотномаларни тақдим этадилар.

Қуролли кучлар сафларидаги хизматдан бўшатилган ва вақтинча ишламаётган (уч ойгача) ҳарбий хизматчилар, ўз хоҳиши билан ёки қисқариш сабабли ишдан бўшаган ва вақтинча ишламаётган (бир ойгача) фуқаролар, ёлғиз яшовчи кексайиб қолган фуқаролар ҳамда пенсия ва ижтимоий ёрдам олмайдиган фуқаролар, шунингдек қамоқ жойларидан озод қилинган ва вақтинча ишламаётган (бир ойгача) фуқаролар яшаш жойидаги маҳаллий бошқарув идоралари (ҳокимликлар) ҳарбий билет, паспорт, меҳнат дафтарчаси ,озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берган купонларни олишга рухсатнома кўрсатиб, банк муассасаларидан энг кам миқдорда купон оладилар.

Боласини боқаётганлиги учун таътилда бўлган аёллар иш жойидан нафақа ва бошқа даромадлар ҳисобидан, компенсация ҳам шу жойидан қиради, белгиланган миқдорда купон оладилар. Бола уч ёшга тўлгунга қадар унга қараш учун ўз таътилини давом эттираётган, лекин бу нафақа ва компенсацияларни олиш муддати тугаганлиги учун уларни олмаётган аёлларга купонлар уларнинг иш жойидан жадвалда белгилаб қўйилган энг кам миқдорда берилади.

(Давоми 2-бетда).

*Бундан кейин «купонлар» деб аталади.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси якунлари ҳамда вилоят ҳокимлигининг 1993 ва шундан кейинги йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Э. Турсунов шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар бозор иқтисодиёти-га ўтиш шароитида - мулкчилик шаклларини ривожлантириш, тадбиркорлик ва соғлом рақобатни авж олдириш, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан қатъиян воз кечиш, иқтисодий омилларни кенг жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор бердилар.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов сўзга чиқди.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИГА ИЧИМЛИК СУВ

● Деҳқонобод районидаги «Деҳқонобод» давлат хўжалигидаги «Биринчи май», «Чучук қудуқ», «Бешбулоқ» қишлоқлари аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида 40 километр масофага водопровод қувури ётқизилди.

Айни пайтда 500 га яқин хонадон Оқтош тоғидан келаётган булоқ сувидан баҳраманд бўлмоқда.

КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

● Қашқадарё вилоятн «Тинчлик» жамғармаси ҳисобидан ташкил этилган «Соҳибқирон Темирбек» кичик корхонаси Китоб районидаги Каромат Рустамова номли давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган.

Корхона халқ ҳунармандчилиги буюмлари тайёрламоқда. Бу ерда ясалаётган эшик, ром, сўри, автомашина кузовлари бежирим ва харидоргирлиги билан кишн диққатини ўзига тортаётир.

Мусо КАРОМОВ.

МОЛЛАРНИ КУПОНЛИ КАРТОЧКАЛАР БЎЙИЧА СОТИШ, КУПОНЛАРНИ БЕРИШ, САҚЛАШ, ҲИСОБГА ОЛИШ, ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШ ВА МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

[Боши 1-бетда].

Мавсумий ишлар билан банд бўлган фуқаролар мавсумлар орасида маҳаллий бошқарув идоралари (ҳокимликлар) берган рухсатнома асосида банк муассасаларидан белгилаб қўйилган энг кам миқдорда купон оладилар.

Даромад манбанга эга бўлмаган ва оила қарамоғидаги уй бекаларига купонлар маҳаллий бошқарув идоралари (ҳокимликлар) берадиган маълумотномалар тақдим этилгач, банк муассасаларидан ойига белгилаб қўйилган энг кам миқдорда берилади.

Болаларга аталган молларнинг қимматлашганлиги сабабли нафақа олувчи болалар учун купонлар компенсация пулининг 100 фоизи миқдорида ,бошқа нафақалар учун эса белгиланган тартибда берилади.

Моддий ёки жисмоний зарар кўрган фуқароларга купонлар моддий ёрдам пули суммаси ҳисобидан тўла миқдорда берилади.

Йил чораги, йил учун мукофотлар, мукофот пуллари ва моддий ёрдам пули учун купонлар ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик ҳисобидан белгиланган миқдорда берилади.

Республика ҳудудида ишловчи ва сўмларда иш ҳақи олувчи чет эл фуқароларига купонлар умумий асосларда берилади.

Иш ҳақини сўм билан олмайдиган, бироқ Республикада яшаётган ёки хизмат сафарида бўлган чет эл фуқаролари банк муассасаларида эркин алмаштириладиган валютанинг бозор қадри бўйича сўмга алмаштириш ва алмаштирилган пулнинг 15 фоизи миқдорида купон олиш (бунда ушлаб қолинган комиссион ҳақ ҳисобга олинади) ҳуқуқига эгадирлар.

Республика ўқув юртларида таълим олаётган чет эл фуқароларига купонлар белгиланган миқдорда берилади. Улар эркин алмаштирадиган валютани сўмга алмаштирганда алмаштиришнинг 15 фоизи миқдорида купон олиш (бунда ушлаб қолинган комиссион ҳақ ҳисобга олинади) ҳуқуқига эгадирлар.

Республика ташқарисида вақтинча ҳарбий хизматни ўтаётган фуқаролар ҳамда уларнинг республикада доимий яшаётган оила аъзолари хизматни ўтаётган жойдан иш эркин тўғрисида берилган маълумотнома асосида ҳарбий комиссарликлар берадиган рухсатнома бўйича банк муассасаларидан жадвалда белгиланган миқдорда купон оладилар.

Чет элда ишлагандан кейин ёки навбатдаги меҳнат таътилига келган республика фуқаролари купонларни чет элга хизмат сафарига боргунга қадар ишлаган корхоналаридан ҳарбий хизматчилар эса ҳарбий комиссарликлардан умумий асосларда оладилар.

Республика ҳудудида доимий яшовчи ва Республика ташқарисида вақтинча усулида ишловчи шахслар даромадлари тўғрисидаги маълумотларни кўрсатгач, маҳаллий бошқарув идоралари (ҳокимликлар) купон олиш учун берган рухсатномаларни кўрсатиб, банк муассасаларидан купон оладилар.

1-гуруҳ ногиронларига, шунингдек интернат уйларда яшовчи ҳамда тўла давлат таъминотида бўлган пенсионерлар ва ногиронларга купонлар ўзлари оладиган нақд пул миқдорида берилади.

Муаллифлик кашфиётлари, ихтиролари, рационализаторлик таклифлари ва ҳоказо ҳисобига ҳақ ва мукофотлар олувчи фуқаролар купонларни асосий иш жойидан умумий асосларда ҳамма даромадлар юзасидан оладилар.

Етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган талабалар ва ўқувчиларнинг, тўла давлат таъминотида бўлган талабалар ва ўқувчиларнинг стипендиялари тўла миқдорда купонлар билан таъминланади.

Муваққат ижодий жамоаларнинг аъзоларига, шунингдек пудрат шартномаси бўйича иш бажарувчи шахсларга купонлар асосий иш жойида ҳамма даромадлари юзасидан жадвалда белгиланган миқдорда берилади.

ВТЭК (меҳнат қобилияти йўқолиши даражасини аниқлайдиган тиббиёт комиссияси)дан қайта текширувдан ўтадиган ва пул даромадлари олмайдиган фуқароларга банк муассасаларида маҳаллий бошқарув идоралари (ҳокимликлар) томонидан берилган рухсатнома кўрсатилгандан кейин кўрикдан ўтишнинг бутун даври учун ҳар ойда белгилаб қўйилган энг кам миқдорда купон берилади .

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўз ҳисобидан таътил олган ходимлари иш жойидан таътилга чиқишдан олдинги охирги ойда олинган қайд этилган даромадлардан жадвалда белгиланган миқдорда купон оладилар.

Донорлар донорлиги учун даволаш муассасаларидан олинган пулнинг тўла миқдорида купонлар билан таъминланадилар.

Бошқа республикаларнинг узоқ муддатга (бир ойдан кўп) хизмат сафарига келган фуқаролари купонларни хизмат сафарига келган ташкилотлар ва корхоналардан белгилаб қўйилган энг кам миқдорда оладилар.

Нақд пулсиз тартибда келадиган алиментлар жадвалда белгиланган миқдорда купонлар билан таъминланади.

14. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг кассаларида купонли карточка беришда купонлар йириклаштириш қоидаси бўйича (50 сўмгача ҳисобга олинмайди, 50 сўм ва ундан кўп бўлганда 100 сўм ҳисобланади) сўмларда тегишли сўммагача йириклаштирилади.

Карточкалар аниқ бир шахснинг номига ёзиб берилади ва раҳбар, бош ҳисобчининг имзоси ҳамда корхона, ташкилот ва муассаса муҳри билан тасдиқланади.

Купонлар ишлатиб бўлинганидан сўнг карточкалар қаердан олинган бўлса ўша жойдаги кассаларга қайтарилиши ва улар ўз навбатида бу карточкаларни йўқ қилиб ташлаш учун банк муассасаларига топширишлари шарт.

Йўқотиб қўйилган ва бузилган купонлар тикланмайди.

V. КУПОНЛАРНИ ОЛИШ, ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

15. Купонлар Марказий банкнинг республика ҳудудида жойлашган барча бошқармалари ва бўлимларида берилади.

16. Корхона, муассаса, ташкилот раҳбарининг буйруғи билан купонларни олиш, сақлаш ва бериш бўйича масъул шахс тайинланади. Унга шартнома бўйича жавобгарлик юклатилади.

Купонларни олиш ва бериш корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан алоҳида ҳисобга олиш дафтарида қайд этилади. У номерланган, ип ўтказиб тикилган, муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак. Ҳисобга олиш дафтаридаги варақлар сони корхона (муассаса, ташкилот) раҳбари ва бош ҳисобчининг имзоси билан тасдиқланади. Дафтардаги ёзувлар кирим-чиқим ордерлари ва тўлов ведомостлари асосида амалга оширилади.

17. Олувчига берилган купонларнинг миқдори иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқаларни бериш чоғида тўлов ведомостида қўшимча равишда киритилган устун (қатор)да ёки бошқа тўлов ҳужжатида акс эттирилади.

Купонларни корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг (мулкчилик шаклидан қатъи назар) вакиллари олдиндан берилган талабномаларга мувофиқ нақд пул олинадиган банк муассасасидан топшириқ бўйича оладилар.

Пенсиялар, нафақалар берувчи алоқа , корхоналари купонларни банк муассасаларидан ижтимоий таъминот идоралари томонидан тузилган тўлов ведомостларига мувофиқ оладилар. Тўлов ведомостида берилиши лозим бўлган купонлар миқдори алоҳида устунда кўрсатилади. Пул ўтказиш операциялари бўйича купонлар бериш учун алоқа муассасалари томонидан заҳира ташкил этилади.

Купонларнинг ҳосил бўлган камомади йўқотилган қийматига мувофиқ (яъни 1 купон учун 1 сўм — пул билан 1 сўм) ҳисоблаб чиқилади.

Купонларнинг берилган миқдорини назорат қилиш учун банк муассасалари томонидан ордер расмийлаштирилади. Унинг нусхаси корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилади.

Ҳар гал навбатдаги купонларни олиш учун корхона (муассаса, ташкилот) олдинги даврда фойдаланилган купонлар тўғрисидаги маълумотнома билан биргаликда талабнома беради.

18. Олинган купонлар корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда қимматбаҳо қоғозларни сақлаш тўғрисидаги йўриқномага ҳамда халқ хўжалигида касса операцияларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ сақланади.

Купонлар номинал қиймати бўйича кирим-чиқим накладнойлари асосида кирим дафтарида қайд қилинади ва балансдан ташқари 004 «Қатъий ҳисобдаги бланклар» счётида ҳисобга олинади.

Давлат, солиқ идоралари кооперативлар, кичик корхоналар ва хўжалик ҳисобидаги бошқа тузилмаларни молиявий тафтиш қилиш чоғида олинган купонлар миқдорининг иш ҳақи бериладиган тўлов ведомостларига мувофиқ келишини мажбурий тартибда текширадилар.

Корхоналар (ташкилотлар, муассасалар)нинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилувчи ва текширувчи идоралар ушбу тартибнинг бажарилишини назорат қилишга мажбурдирлар.

Купонларни бериш тугалланган, бироқ улар банкдан олингандан кейин кўпи билан беш кун ичида купонларни сақлаш ва бериш учун жавобгар шахс купонларнинг олиниши ва берилиши тўғрисидаги маълумотларни текширади.

19. Купонли карточкалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг буюртмаси билан босиб чиқарилади. Купонларни босиш, ҳисобга олиш, ташиш ва банкда сақлаш Ички ишлар вазирлиги идоралари, республика инкассация бошқармаси ҳамда уларни босиб чиқарувчи корхоналарнинг махсус назоратида бўлади.

Карточкаларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби республика банкларида бухгалтерия учёти ҳисоб-китоблари режасини қўллаш тўғрисидаги кўрсатмаларга мувофиқ белгиланади.

Банк муассасасининг раҳбари, бош бухгалтери ва касса мудири купонли карточкаларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва уларни бериш қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлайдилар. Купонларнинг сақланиши учун моддий жавобгарлик касса мудири зиммасига юклатилади.

20. Банк муассасалари купонларнинг тўла инкассация қилинишини, сақланишини, кейинчалик эса уларнинг белгиланган тартибда иккиламчи хомашё корхоналарига топширилишини таъминлайдилар.

21. Банк муассасалари молларни купонлар бўйича сотиш борасида белгиланган тартибнинг савдо ташкилотлари томонидан бажарилишини доимо назорат қилиб турадилар. Купонларни қайта ҳисоблаш чоғида аниқланган камомадлар ҳақида банклар айбдор ходимларни маъмурий-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун савдо ташкилотлари раҳбарларига хабар қиладилар.

Марказий банк ўзига бўйсинувчи банк муассасаларида бу масала бўйича ишнинг қандай йўлга қўйилганлигини мунтазам текшириб боради.

Молларни купонлар бўйича сотишни назорат қилиш ишининг қониқарсизлиги учун банкларнинг раҳбарлари ва бошқа ходимлари мукофотдан маҳрум этилиб, маъмурий жазога тортиладилар.

22. Почта ташкилотларининг пул ўтказиш операциялари бўйича купонларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан белгиланади.

VI. КУПОНЛАРНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ВА ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШ

23. Купонларни муомалага чиқариш ва уларни инкассация қилиш Марказий банк муассасалари томонидан амалга оширилади.

24. Сохта купонлар ясаганлик учун давлатнинг ҳазина билетларини сохта йўл билан ясашга тенг даражада қонунга мувофиқ жазо берилади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА

АҲОЛИГА КУПОНЛАРСИЗ СОТИЛАДИГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА АШЁВИЙ МОЛЛАР РЎЙХАТИ

1. Аҳолига белгиланган нормалар бўйича (талон билан) чекланган нархларда сотиладиган товарлар:

Ун
Гуруч
Макарон маҳсулотлари
Ўсимлик мойи
Чой
Қанд-шакар
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари
Кир совун

Оқ ип газлама матолар (чит, хомсурп ва оҳорланган дока)

Болалар ассортименти (янги туғилган чақалоқлар учун комплектлар, ўғил болалар кўйлаги ва шими, қиз болалар кўйлаги ва юбкаси, 12 ёшгача бўлган болалар пойабзали, болалар пайпоқлари ва колготкалари).

2. Аҳолига купонларсиз эркин сотиладиган озиқ-овқат ва ашёвий молlар:

Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари (врач рецептлари бўйича)

тирик балиқ,
сут, қатиқ,
тухум,

шишаларда ва қуйиб сотиладиган арақ, ликёр-арақ маҳсулотлари, вино, шампан виноси ва бошқа алкоголсиз газли ичимликлар, пиво;

тортлар, музқаймоқ;

морс, квас, шарбатлар;

янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, шунингдек қайта ишланган сабзавот маҳсулотлари (тузланган карам, помидор, бодринг;

консерва қилинган шарбатлар;

кўмир, ўтин;

омихта ем, кунжара, чигит пўстлоғи, барда ва пиво қуйқаси;

гуллар, полиэтилен пакетлар, грампластинкалар; воситачи дўконлар орқали сотиладиган илгари фойдаланилган моллар; келин-куёвлар учун дўконлар ва бўлимлардаги моллар, шунингдек маросимлар учун кўзда тутилган моллар (маҳаллий бошқарув идоралари маълумотномалари бўйича);

матбаа маҳсулотлари;

дорихоналарда, «Оптика» дўконларида сотиладиган дори-дармонлар ва бошқа моллар, протез-ортопедия корхоналари маҳсулотлари, шунингдек ногиронлар аравачалари;

топширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига алмаштириб сотиладиган моллар;

кооперативлар ҳамда фуқаролар томонидан якка меҳнат фаолияти тартибида ишлаб чиқариладиган ва улар мустақил равишда сотадиган моллар;

шахсий томорқа хўжалигида етиштириладиган ва колхоз бозорида сотиладиган моллар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари;

тижорат нархларида сотиладиган нефть маҳсулотлари;

арзонлаштирилган, кондициясиз буюмлар ва ишлатишга яроқли чиқиндилар;

томоша кўрсатиш муассасалари учун овоз кучайтиргич аппаратлар;

спорт анжомлари (тошлар, бруслар, конлар, гантеллар, штанга);

норуда қурилиш материаллари (шағал, қум, майдаланган тош, керамзит, мармар ва гранит плиталар); мармар ушоғи ва ундан тайёрланган буюмлар, томга ёпиладиган юмшоқ материал;

шлак-блоклар, оҳак, гипс, цемент, харсангтош;

асбоцемент, чўян, полиэтилен ва сопол қувурлар;

темир-бетон буюмлар; аглопорит; минерал момиқ пахта ва ундан тайёрланган буюмлар;

ғишт ва ёғоч-тахта (маҳаллий бошқарув идораларининг қарори бўйича);

«Совпластитал» қўшма корхонаси ишлаб чиқарадиган ва чакана тармоқда сотиладиган маҳсулотлар, шунингдек республика Бинокорлик материаллари вазирлиги корхоналарида ишлаб чиқариладиган барча турдаги қурилиш материаллари ва халқ истеъмоли моллари.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА 3-ИЛОВА

1993 ИЙЛДА ҚАЙД ЭТИЛГАН ДАРОМАДЛАР ЮЗАСИДАН БЕРИЛАДИГАН КУПОНЛАР МИҚДОРИНИ БЕЛГИЛАШ ЖАДВАЛИ

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқа қайд этилган даромадларнинг миқдори (солиқларсиз ва бошқа ушлаб қолишларсиз)	Бериладиган купон миқдори
2000 сўмгача	1000 купон
2001—4000	1000 купон ва 2000 сўмдан ошган даромаднинг 5 фоизи
4001 ва ундан ортиқ	1100 купон ва 4000 сўмдан ошган даромаднинг 3 фоизи

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА 4-ИЛОВА

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1993 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Б. С. Ҳамидов — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — умумиқтисодиёт мажмуининг раҳбари

А. Н. Возиенко — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — халқ истеъмоли моллари, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуининг раҳбари

Т. С. Азимов — Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки бошқарувининг раиси

Б. А. Аллâмуродов — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси

З. А. Алматов — Ички ишлар вазири

А. А. Аҳадов — Ўзбекистон Деҳқончилик-саноат банки бошқарувининг раиси

Г. Г. Волков — Ўзбекбирлашув раиси

Ф. М. Муллажонов — Марказий банк бошқарувининг раиси

Р. А. Норбоев — меҳнат вазирининг ўринбосари

К. Р. Раҳимов — алоқа вазири

Н. Ф. Муҳитдинов — Ўзбекистон Жамғармалар банки бошқарувининг раиси

С. А. Хўжаева — ижтимоий таъминот вазири

М. З. Усмонов — «Ўзбексавдо» уюшмаси бошқарувининг раиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ДАВЛАТ КОНЦЕРНИНИ НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ «ЎЗБЕКНЕФТЬГАЗ» МИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯСИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида республика нефть, газ ва нефтни қайта ишлаш саноати тармоқларининг самарали ишлашини ва янада ривожланишини таъминлаш, таркибий бўлинмаларининг ташаббуси ва мустақиллигини кенгайтириш ҳамда истеъмолчиларни нефть, нефть маҳсулотлари ва газ билан пухта таъминлаш мақсадида:

1. «Ўзбекнефтьгаз» Ўзбекистон Нефть ва газ саноати давлат концерни таркибига кирувчи бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг концерни Нефть ва газ саноати миллий корпорациясига айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекнефтьгаз» миллий корпорацияси:

нефть, газ ва нефть маҳсулотларини қидириб топиш, қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш ва сотиш, нефть ва газ саноати иншоотларини қуриш билан шуғулланувчи давлат, давлат-акционерлик, ижара, жамоа, қўшма бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларни, шунингдек тармоқни ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бошқа тармоқлар корхоналари ва ташкилотларини ҳамда хорижий юридик шахсларни ихтиёрий асосда бирлаштирувчи хўжалик уюшмасидир;

юридик шахс бўлиб, ўз фаолиятини республиканинг амалдаги қонунлари ва корпорациянинг таъсис йиғилишида тасдиқланган низом асосида ташкил этади.

3. Қуйидагилар «Ўзбекнефтьгаз» миллий корпорациясининг фаолиятининг асосий йўналишлари қилиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси билан биргаликда нефть, нефтни қайта ишлаш ва газ саноатини ривожлантиришнинг стратегияси ва устивор йўналишларини ишлаб чиқиш, табиий ресурслардан ва вужудга келтирилган ишлаб чиқариш имкониятидан самарали фойдаланиш;

республика ҳудудида нефть, газ, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қидириб топишга, уларнинг заҳираларини кўпайтиришга, уларни қазиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотишга, нефть, газ ва нефтни қайта ишлаш саноати иншоотларини, нефть, газ ва маҳсулот қувурлари тармоғини қуришга оид туркум ишларни амалга ошириш;

нефть, нефтни қайта ишлаш ва газ саноатида хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро фойдали ташқи иқтисодий, савдо ва илмий техникавий алоқаларни ривожлантириш ҳамда чет эл сармояларини жалб этиш йўналишларини белгилаш;

нефть ва газ конларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, халқ хўжалигини ва республика аҳолисини нефть, газ ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, шунингдек давлатлараро ва ҳукуматлараро битимлар асосида ана шу маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига етказиб бериш;

нефть, газ ва нефть маҳсулотлари ички ва жаҳон бозоридаги вазиятни ўрганиш, республиканинг ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқишга оид таклифлар киритиш;

корпорацияга кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг кооперация ва ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашда кўмаклашиш;

тармоқда ягона техникавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, нефть, газ, нефть маҳсулотларини қидириб топиш, қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш ва сотиш соҳасида бошқа мамлакатлардан мутахассисларни конкурс асосида жалб этиш йўли билан илмий тадқиқот, қидирув ва лойиҳа-конструкторлик ишларини йўлга қўйиш;

корхоналарни кенгайтириш, реконструкциялаш ва техника билан қайта жиҳозлашда, тармоқда илғор технологияларни жорий этишда, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ёрдам бериш;

нефть ва газ конларини қидириб топиш ва улардан фойдаланишга доир ишларни амалга ошириш чоғида ер ости бойликлари ва бошқа табиий бойликлар тўғрисидаги қонунларнинг талабларига риоя этилишини таъминлаш;

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси «Ўзбекнефтьгаз» нефть ва газ саноати миллий корпорациясининг фаолиятини ташкил этишга доир қарорни қабул қилсин.

5. «Ўзбекистон Нефть ва газ саноати давлат концернини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 3 майдаги 393-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб эътироф этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 23 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙРИМ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги Фармонлари тасдиқлансин:

«Ўртоқ М. И. Исломовни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида 1992 йил 18 июлда чиқарган Фармони;

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 10 августда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ Ў. Абдураниевни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 12 августда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ Э. Р. Рустамовни Тошкент шаҳар Бош қурилиш бошқармасининг бошлиғи — Ўзбекистон Республикаси вазири этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 12 августда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ Н. Қаюмовни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисидаги» 1992 йил 25 августда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ О. Назировни Ўзбекистон Республикаси Физкультура ва спорт давлат қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида» 1992 йил 25 августда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ С. С. Рўзиевни Ўзбекистон Республикаси Физкультура ва спорт давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 26 августда чиқарган Фармони;

«Маҳаллий саноат» Давлат корпорациясини тузиш тўғрисида» 1992 йил 3 сентябрда чиқарган Фармонининг Ўзбекистон Республикаси Маҳаллий саноат вазирлигини тугатишга доир қисми;

«Нефть маҳсулотларини сотишда тартиб ўрнатиш ва тармоқни бошқариш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 1992 йил 7 сентябрда чиқарган Фармонининг Ўзбекистон Республикаси Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитасини тугатишга доир қисми;

«Ўзбекистон Монтаж ва махсус қурилиш ишлари (Ўзмонтажмахсусқурилиш) ассоциациясини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 27 октябрда чиқарган Фармонининг Ўзбекистон Республикаси Монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлигини тугатишга доир қисми;

«Ўзбекистон Сув хўжалиги қурилиши (Ўзсувқурилиш) давлат концернини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 18 ноябрда чиқарган Фармонининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасини тугатишга доир қисми;

«Ш. Р. Ғафуровни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 20 ноябрда чиқарган Фармони;

«Ўзбекистон давлат қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (Ўзқурилишматериаллари) концернини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 21 ноябрда чиқарган Фармонининг Ўзбекистон Республикаси Бинокорлик материаллари саноати вазирлигини тугатишга доир қисми.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ ХИЗМАТИДА

Гулистон шаҳрида Ўрта Осиёда ягона аёлларнинг гигиеник салфеткаларини ишлаб чиқарадиган «Нафосат» қўшма корхонаси маҳсулот бера бошлади.

Бу корхонанинг пайдо бўлиши, маҳсулоти, келажаги, ундан олинадиган иқтисодий самара, қўйингки ҳар бир рақам, ҳар бир нарса кишини қувонтиради. Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг. Уни қуриб битказиш ҳамда фойдаланишга топшириш учун нари борса 5-6 ойлик вақт кетди, холос. Заводнинг ихчам ва айни пайтда кўркамлигини айтмайсизми?!

Мазкур қўшма корхонани Жиззахдаги «Суғдиёна» ишлаб чиқариш фирмаси билан Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бўлими ҳамкорликда барпо этдилар. Халқ демократик партияси вилоят кенгаши эса заводни барпо этишда ўз маблағи билан мадад берди ҳамда унинг асосчиларидан бири бўлди.

«Нафосат» — замонавий фан-техниканинг ютуқлари асосида барпо этилди. Асосий технологик жараён италиялик саноатчиларнинг ускуналаридан ташкил топди. Шунингдек, корхонани барпо этишда Россия Федерациясининг Иваново, Новокузнецк, Тула шаҳарлари, Украина, Белоруссия республикаларининг қатор шаҳарларида ишлаб чиқарилаётган машина ва механизмлар, турли ускуналардан фойдаланилди. Уни қуришда эса Тошкент, қўшни Тожикистондан, Жиззах вилоятидан келган монтажчилар, мисгарлар ва тунукасозлар, бошқа касб соҳиблари сирдарёлик қурувчилар билан ҳамкорликда иш олиб бордилар.

Маҳсулот чиқаришда ҳам италияликлар ҳамкор. Айни пайтда Қўқон, Наманган саноатчиларининг, Россия ҳамда яна бошқа шаҳарлардан олинадиган хом ашёларидан фойдаланилмоқда. Буларнинг бари қўриқ воҳа маркази — Гулистон шаҳрининг дунё ва ҳамдўстлик мамлакатлари билан бўлаётган иқтисодий алоқаларини кенгайтириш имконини беряпти.

Шу пайтга қадар мазкур йўналишдаги корхона нафақат Ўрта Осиёда, балки собиқ Иттифоқ ҳудудига кирувчи мамлакатларда ҳам йўқ эди. Шу боис унинг маҳсулотига бўлган талаб нақадар юқори бўлишини тасаввур этиш мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири — бу ердаги маҳсулот синтетик эмас, балки табиий хом ашёлардан ишлаб чиқарилаётганидир. Шунинг учун ҳам ҳозирнинг ўзидаёқ кўплаб буюртмалар тушмоқда, корхона билан шартнома тузишни хоҳлаётган мижозлар кўпайиб бормоқда.

— Лекин биз биринчи галда вилоятимиз, республикамиз аҳолисининг талабларини қондиришни мўлжаллаб завод қурганмиз, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг бошлиғи, мазкур завод қурилишининг бош ташаббускори Қобил Шодиев. — Чунки аёлларимизнинг соғлиғини тиклаш йўлида экологик жиҳатидан тоза бўлган маҳсулот айниқса муҳимдир. Биз йиллар мобайнида оналаримиз, опа-сингилларимизнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кўп гапирдигу, лекин амалий иш кам бўлди.

Энди корхонанинг иқтисодий имкониятларига эътибор беринг. Уни қуриб битказиш ва ишга тушириш учун 295 миллион сўм пул сарфланди. Қобил Шодиевнинг таъкидлашича, у жуда қисқа муддатда ўзини тўла оқлайди. Чунки корхона бир йилда 648 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Шу давр мобайнида 129 миллион сўмлик фойда кўради. Италиялик ҳамкорлар ўз ускуналарини берар эканлар, заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 10 фоизини уларга сотишни илтимос қилдилар. Шундай қилиб, корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, жаҳон бозорида йилига 10 миллион долларлик маҳсулот сотиш имконига эга бўлади.

Кўриниб турибдики, «Нафосат» дан кутилаётган даромадлар чакки эмас. Улар эса асосан қўриқ вилоятида соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш сингари муҳим соҳаларни ривожлантиришга сарфланади.

Корхона октябрь ойида ўзининг дастлабки маҳсулотларини бера бошлади. Ҳозир унинг барида икки сменада 60 киши меҳнат қилмоқда. Синаб кўриш ва созлаш ишлари тўла-тўкис ниҳоясига етказилганидан сўнг, яъни келгуси йилнинг январидан бошлаб завод уч сменада ишлатилади ҳамда унда 100 нафардан ортиқ киши меҳнат қилади.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 7
1992 йил 25 декабрь

"УЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

ВИТА
UZBEKISTAN-BELGIUM

«В И Т А»

ЎЗБЕКИСТОН—БЕЛЬГИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ БИЛАН СИЗЛАРНИ ЧИН ҚАЛБДАН ТАБРИКЛАЙДИ ВА ҚУТЛАЙДИ. СИЗЛАРГА БАХТ-САОДАТ ВА ОМАД ЁР БЎЛАВЕРСИН!

ХОНАДОНИНГИЗГА ТИНЧЛИК, ҚУТ-БАРАКА ТИЛАЙМИЗ!

РЕСПУБЛИКА РАВНАҚИ ЙЎЛИДА СИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ТАЙЁРМИЗ.

КЕЛИНГ, МАРҲАМАТ!

БИЗНИНГ МАНЗИЛ: 700125, Тошкент шаҳри, Горький шоҳ кўчаси, 95-уй, 31-32-хонадон. Телефонлар: 63-17-33, 63-09-92, 62-43-46, 62-47-87.
ФАКС (3712) 62-55-98. Телекс 116383 BROK SU Телетайп 116191 ВИТА

РУСТАМ БАНК

АЗИЗ БИРОДАРЛАР, ҲАМЮРТЛАР!

«Бир кунимга ярайди» деб умид билан тўплаган пулингиз қадри кундан-кунга тушиб бормоқда.

Атрофингизда пулингизни қўйиш мумкин бўлган бирон-бир ишончли ташкилот ёки инсон йўқ. Нима қилмоқ керак?

«РУСТАМБАНК»га келинг, кўнғироқ қилинг!

«РУСТАМБАНК»га 100 минг сўм пул қўйсангиз роса

12 ОЙДАН КЕЙИН 130 МИНГ СЎМ

36 ОЙДАН КЕЙИН 220 МИНГ СЎМ

60 ОЙДАН КЕЙИН 372 МИНГ СЎМ

ҚАЙТАРИБ ОЛАСИЗ.

«РУСТАМБАНК»

— пулингизни «Швейцария банки»дагидек махфий сақланишига;

— пулингизни ўзи бориб олишга ёки олиб бориб беришга;

— ҳар кварталда банк фаолияти ҳақида матбуотда ҳисоб беришга;

— пулингиз фақат жонажон Ўзбекистонимиз равнақи йўлида шариат қоидалари асосида ишлатилишига

КАФОЛАТ БЕРАДИ

Ўтирган бўлсангиз туринг, турган бўлсангиз юринг ва бизнинг қуйидаги манзилимизга келинг.

Тошкент шаҳри Фрунзе кўчаси, 27-уй. Олой бозори билан «Ҳамид Олимжон» метро бекати оралиғида, телефонларимиз: 33-90-29, 33-77-49.

Мабодо, сиз «РУСТАМБАНК» фаолиятида пулингиз билан иштирок этишни ҳоҳласангиз, фойдага шерик бўлиш шарти билан пул қўйишингиз мумкин. Бу ҳолда сиз «РУСТАМБАНК» президенти ўз пулига неча фойиз фойда олган бўлса, сизга ҳам шунча миқдорда дивидент (фойда) беради.

БУ ЖУДА ҚУЛАЙ, ЧУНКИ «РУСТАМБАНК» ПРЕЗИДЕНТИ РУСТАМ УСМОНОВ ПУЛНИ ПУЛГА ЧАҚИБ, КУПАЙТИРИШНИ ЯХШИ БИЛАДИГАН ОДАМ. У ҲАТТО ОДДИЙ ГУНГНИ ҚИЗИЛ ҚАЛИФОРНИЯ ЧУВАЛЧАНГИ ОРҚАЛИ «ТИЛЛО»ГА АЙЛАНТИРМОҚДА.

1987 ЙИЛДА 500 СУМ ДАСТМОЯ БИЛАН ИШ БОШЛАГАН УСМОНОВ БУГУН ЎЗБЕКИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН ВА РОССИЯДАГИ ФИРМАЛАРНИНГ ЭГАСИ, ЧЕТ ЭЛЛАРДА ТАНИЛГАН НУФУЗЛИ, ҲАЛОЛ ВА УДДАБУРОН ИНСОНДИР.


У СИЗНИНГ ИШОНЧИНГИЗНИ АЛБАТТА, ОҚЛАЙДИ!

РУСТАМ БАНК

ОМОНАТ ДАФТАРЧАСИ
★★★
СБЕРЕГАТЕЛЬНАЯ КНИЖКА

УНИВЕРСАЛ ТИЖОРАТ БАНКИ

УНИВЕРСАЛЬНЫЙ КОММЕРЧЕСКИЙ БАНК



Бир қараб қўйсанг надур,
Бизга ҳам гоҳо, санам.

Қайс ўзиму сен экансан
Лайло санам, лайло санам...

ҲАСАН ИРМАК ДЎКОНИГА МАРҲАМАТ!

Аҳмад Фарғоний кўчасида Истамбулдаги «Жавҳар ЛТД» хусусий фирмасининг тижорат дўкони очилди. Унда асосан эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари, пойабзал, турли тақинчоқлар сотилмоқда. Харидорларга ўзбек ва турк сотувчилари хизмат кўрсатишяпти.

— Бу дастлабки қадамдир, холос, — дейди фирма соҳиби Ҳасан Ирмак. — Туркиядан келтириб сотилаётган маҳсулотлардан олинадиган даромад Фарғонада турли уй жиҳозлари ишлаб чиқарадиган корхона қуришга сарфланади. Унинг маҳсулоти шу дўконимизда сотилади. Икки юз нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланади.

Р. КАМОЛОВ,

БОЗОР КЕНГАЙМОҚДА

Урганчда шаҳарнинг марказий бозори таъмирлана бошланди. Бозор деярли икки баравар кенгаяди.

Бозор атрофидаги тарихий аҳамияти бўлмаган эски иморатлар бузилмоқда. Тез орада уларнинг ўрнида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари билан савдо қилинадиган расталар пайдо бўлади.

ПОКИСТОННИНГ «МЕТРО ГАРМЕНТС ИНДАСТРИЗ» ФИРМАСИ

ЎЗБЕКИСТОНДА СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА
ҲУРМАТЛИ ТИЖОРАТЧИЛАР
ПОКИСТОННИНГ ЕТАКЧИ ФИРМАСИ — «МЕТРО ГАРМЕНТС ИНДАСТРИЗ»
ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ УЧУН СИЗНИ ЧОРЛАЙДИ.

Бу фирма қарийб чорак аср вақтдан буён собиқ СССР, АҚШ, Италия, Чехо-Словакия ва бошқа мамлакатларга эркаклар кўйлакларини етказиб бермоқда. Кўйлакларимиз олий сифатли матодан тикилган.

БУНДАН ТАШҚАРИ ФИРМА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

- эркалар, хотин-қизлар ва болалар жинси либослари;
- дам олиш учун шимлар, шортлар;
- аёллар кўйлаклари, юбкалари;
- чўмилиш халатлари, сочиқлари;
- спорт костюмлари;
- чарм буюмлар;
- чойшаб ашёлари;
- мебель газламаси, 100 фоиз полиэстр гулли;
- пойабзаллар;
- озиқ-овқат неъматларни (бугдой, гуруч, гўшт, қанд, ёғ ва бошқалар);
- сигаретлар;
- аудио — видео — радио техникаси;
- нусха олиш аппаратлари, компьютерлар.

«Метро Гарментс Индастриз» фирмаси фақат ишлаб чиқарувчи эмас, балки ваколатхоналари Лондон, Москва ва Тошкентда жойлашган йирик савдо ташкилотидир.

Фирма енгил саноат учун ускуналар, тикув буюмларни тайёрлаш учун ярим тайёр маҳсулотлар, калава ишлаб чиқариш учун технология ва ускуналар «Ноу—хау» ва бошқа ускуналарни етказиб бериш юзасидан кафолатли юмуш бажаради.

Бу маҳсулотлар ва ускуналар валютага ёки ипак, сурп, пахта, қуйма алюмин, ишлоп ёғоч, газета қоғози, карбамид, экспорт эҳтиёжи бўлган нефть ва унинг маҳсулотларига алмашиб, бартер усулида етказиб берилади.

Биз ҳамкорлик қилишга чорлаймиз ва сизни қуйидаги манзилда очилган қароргоҳимизга таклиф қиламиз: Тошкент шаҳри, «Правда» кўчаси, 41-уй, 11-қават, 1115-хона.

Қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этинг:
Тошкентда: факс: 335888. Телефонлар: 33-58-88, 32-55-94.
Москвада: факс: 2808445. Телефонлар: 280-84-45, 280-90-37, 280-31-11. Телекс: 411616. ADREM SU;
Қарочи (Покистон): факс 9221—2411538. Телефонлар: 22-36-88, 22-95-89, 24-11-538.
Телекс: 20783 MGI PK.

• ТАДБИРКОРЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

ҲАРАКАТДА — БАРАКАТ



Ўзингда йўқ — оламда йўқ, дегани ҳақ гап. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги мураккаб жараёнида, боз устига четдан келтириладиган хом ашё ҳисобига ишлайдиган меҳнат жамоаларида бу гапни тез-тез эшитиш мумкин. Хўш, шундай оғир шароитда нима қилиш керак? Албатта, ҳаракат қилиш, ҳаракат қилганда ҳам ишнинг кўзини билиб, олисни кўзлаб ҳаракат қилмоқ керак. Ана шундагина ҳар қандай мушкулвазиятдан чиқиш мумкин бўлади. Ахир халқимиз «Қаловини топсанг, қор ёнар», деб бежиз айтмаган-ку! Бунга Тошкентдаги ёғочни қайта ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлган чоғимизда яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

600 дан ортиқ киши меҳнат қилаётган кўпмиллатли ушбу бирлашмада асосан эшик, дераза, турли хил паркет, пол ва ўймакорлик тахталари, шунингдек 20 дан ортиқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариляпти. Ҳозирги тақчиллик шароитида бу маҳсулотларсиз бирон бир қурилишни тасаввур этиш амри маҳол. Буни яхши англаган бирлашма аҳли жонбозлик кўрсатиб ишлаяпти десак муболаға бўлмас. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги иқтисодий бўҳрон даврида бирлашмада меҳнат маромини сусайгани йўқ. Аксинча, кучаймоқда. Бунинг боиси, бирлашмада энг мураккаб масала — хом ашё муаммоси бартараф этилганлиги, ишлаб чиқариш интизоми ва тежамкорликка эътибор қаратилганлиги, муҳими одамлар тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилинаётганлигидир.

— Корхонамиз ютуқларида аввало бош директор Ўрозали Султонович Маъмировнинг ҳиссаси айниқса катта. Уни кўпчилик тадбиркор, ишни кўзини биладиган талабчан ва айни чоғда ғамхўр раҳбар сифатида ҳурмат қилади, — дейди бирлашма халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Қаҳҳор Содиқов. — Бу бежиз эмас. Ахир иқтисодий қийинчиликлар даврида арзимаган бир мурувватни келтириш, кичик бир жамоани бошқаришнинг ҳам ўзи бўлмаслиги аён-ку.


Ўрозали Маъмировнинг бирлашмага бош раҳбар бўлганига бор йўғи тўрт йил бўляпти. Лекин ана шу давр мобайнида жамоада кўпчилик муаммолар бартараф этилди. Айниқса, унинг шахсий ташаббуси билан хом ашё масаласи қисқа муддатда ҳал бўлди. Бош раҳбарнинг ўзи бунинг учун бир неча бор Иркутск, Хабаровскка бориб келди. Қисқаси, россиялик таъминотчилар билан ўзаро фойдали шартнома имзоланди. Бунинг натижаси ўлароқ бирлашма учун зарур ёғоч материаллари 1993 йилда ҳам мунтазам Россиядан келиб турадиган бўлди.


Дарҳақиқат, бугунги кунда тадбиркорлик — келажакни кўра оладиган одамнинг иши. Ўрозали Маъмиров ҳам табиатан шундай. У оддий ишчанликдан бирлашма раҳбаригача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди. Ёғочсозлик соҳасида суяги қотди, олий маълумотли раҳбар ҳамкорлик қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Хулоса шуки, Тошкент ёғочни қайта ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоаси келажакни кўзлаб, дадил ҳаракат қилмоқда.

— Мавжуд қийинчиликларга қарамай, ўз олдимизга қўйган вазифаларни уддалаяпмиз, — дейди бирлашма бош раҳбари Ўрозали Маъмиров. — Халқимиз учун зарур бўлган буюмларни сифатли ва қўплаб ишлаб чиқаришга интилямиз. Афсуски, ишимизнинг белига тепаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Чунончи, биздан ўз вақтида маҳсулот олган «Главташкентстрой» ва «Узагрострой» каби қурилиш ташкилотлари ўз қарзларини ҳанузгача узишолгани йўқ.

Лекин ҳукуматимиз маблағ масаласида ўз кўмагини бериб турибди. Республика марказий банки ва молия вазирлиги бирлашмамизга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Биргина мисол: кейинги уч ойда марказий банк фаолиятида рўй берган ўзгаришлар Россиядан ёғоч келтириш масаласини ҳал этишда жуда қўл келди. Эндиликда хом ашё етарли. Ишчи кучи бисёр. Шундай бўлгач, жамоамиз қўлидан келганича эл-юрт хизматида саъй-ҳаракатини аямайди. Бу — бизнинг республика, миз мустақиллигини мустаҳкамлаш ишига қўшадиган амалий ҳиссамиздир.

Алишер РЎЗИЕВ,
Аслиддин БОЛИЕВ.





Агар сиз юрисдикция, иқтисодиёт, молия соҳасида профессионал бўлсангиз:
– ҳозирги иш жойингиздаги меҳнатингиз ижтимоий аҳамияти ва унга ҳак тўланишини етарли эмас деб ҳисобласангиз:
– ақлий имкониятларингизни дарҳол тулалигича рўёбга чиқариш ва ўзингизга муносиб турмуш даражасини таъминлашни истасангиз, у ҳолда Сиз

ЎЗДАВНЕФТМАҲСУЛОТ
акционерлик бирлашмаси
ва унинг
ЎЗБЕКИПАК
холдинг компаниясига

албатта мурожаат этишингиз керак.

Бизга: юристлар, молиячилар–аналитиклар, ишлаб чикариш ташкилотчилари, технологлар, банклар, суғурта компаниялари, инновация фирмалари, савдо уйларида иш тажрибасига эга мутахассислар, кичик бизнесга бошчилик қилишга тайёр бўлган кишилар керак.

Биз: доимий еки вақтинча асосдаги, ўриндошлик, контракт бўйича, айрим бизнес-топширувларни бажариш юзасидан иш таклиф киламиз.

Меҳнатга ҳак тўлаш – 10.000 сўм ва ундан юқори.

Биз Сизларни қуйидаги манзилгоҳларда: Тошкент шаҳар, Охунбобоев кўчаси, 16; Т. Содиқов кўчаси, 14-уйларда кутамиз.

Тошкентдаги телефонлар:

33-49-53, 33-62-24,
35-44-04, 35-42-24.

НОН ҲАҚИДА

● Қон босими ошганда, асаблар изтиробга тушганда хамиртурушни илиқ сувда эритиб ичиш тавсия қилинади.

● Нонни мева мурабболари ва қиёмларига теккизиб ейилса, ҳазми таом бўлади.

● Нонни туз билан янчиб, сувда ҳўллаб, темираткига суртиб тузатиш усули хам халқ табобатидан келиб чиққан.

● Иштаҳа қирқилганда ҳам, қорни жуда оч қолганда ҳам бир парча қора нонни сиртига саримсоқ пиёз суркаб, туз сепиб, еб кўринг-а, ҳузур қиласиз.

● Гўшт қийма ёки жизза қўшиб тайёрланган нондан бир тўйиб еган кишининг қуввати ошади. Озиб-тўзиб кетган беморлар ана шунақа нондан еб турсалар, шифо топадилар.

● Қаттиқ шамоллаганда, тумов бўлганда пиёз тўғраб, қалампир сепиб ийланган қатиқка нонни ботириб ейилса, ғар-ғар терлатади, ўраниб ётиб бир ухлаб турса, киши тетик бўлиб қолади.

ТАБИАТ ҲАҚИДА

● **Ер ҳам, ҳаво ва қуёш мисол, барчанинг бойлигидир ва у мулкчилик предмети бўлмаслиги лозим.**

Л. Толстой.

● **Бегона ўт - нима! У қимматли ҳали кашф этилмаган ўсимлик.**

Р. Эмерсон.

● **Табиат — санъатнинг абадий намунаси.**

В. Белинский.

● **Инсон энг гўзал ҳаёлида ҳам табиатчалик гўзал нарсани тасаввур қилолмайди.**

Ламартин.

● **Киши ўз Ватанининг табиатини севмаса, унинг ўзини ҳам севолмайди.**

К. Паустовский.

● **Табиат тўхтовсиз янгидан-янги шакллар яратаверади. Ҳозир мавжуд нарса илгари бўлгани эса қайта яратилмайди.**

И. Гёте.

ҲИКМАТ—БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

⊙ Касалга ҳамдардлик билдириш — унга ярим соғлигини қайтариб бериш билан тенг.

Қирғиз мақоли.

⊙ Кўзинг оғриса, қўлингни тий.

Халқ мақоли.

⊙ Касаллиник қўрқоқларни хуш кўради.

Шарқ мақоли.

⊙ Ҳар бир тешикка қўлингни суқма, ё илон, чақади, ёки чаён.

Озарбайжон мақоли.

⊙ Дори аччиқ, таъсири ширин.

Халқ мақоли.

⊙ Тиш оғриғига айиқ ҳам чидаш бера олмайди.

Осетин мақоли.

⊙ Касалга асал ҳам бемаза бўлиб туюлади.

⊙ Соғлом одам тошни ҳам ейди.

⊙ Касалга пашша ҳам хиралик қилиб ёпишади.

Татар мақоллари.

• МУСТАҚИЛЛИК УФҚЛАРИ

ҒАЛЛА БЎЛСА, КЎНГИЛ ТЎҚ



Жумҳуриятимизнинг мустақилликка эришиши ва иқтисодий муносабатларга ўтиши натижасида аҳолини дон ва ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш асосий муаммолардан бўлиб турибди. Мухбиримизнинг «Ғалла» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Қурбон Эшмирзаев ҳамда шу олийгоҳ Марказий тажриба хўжалиги раҳбари Рашид Золовлар билан бўлган суҳбати ана шулар хусусида бўлди.

— Маълумки, қадимдан Туркистон ҳудудида етиштирилган нон ўзининг сифати билан дунёда машҳур бўлиб келган. Деҳқонларимиз етиштирган ғалла экинлари фақат ўз эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, балки бир қисмини ўзга хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилингани ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, Италия, Австрия давлатларида бизда етиштирилган аъло навли буғдойга эҳтиёж юқори бўлган. Маълумотларга кўра, Россия императори Николай II нинг ўз саройида истеъмол қилган буғдой уни ҳам бизнинг ҳудудимизда етиштирилган экан. Қурбон ака, маълумки, илмий асосланган баъзи манбаларга қараганда ҳар бир жон бошига 300 килограммдан ғалла зарур экан. Негадир кейинги йилларда бу кўрсаткич камайиб бораяпти. Олим сифатида буларнинг сабабларини кенг газетхонлар оммасига батафсилроқ шарҳлаб берсангиз.

Бугунги кунда республика аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган йиллик ун миқдори ўртача 170-180 килограммдан, ривожланган капиталистик мамлакатларда эса бу кўрсаткич 80-85 килограммни ташкил этади. Қадимда республикада етиштирилган бошоқли дон экинларининг асосий ҳажми лалмикор ерларга тўғри келарди. 1940 йилларда бу майдон 1,5 миллион гектарни ташкил этган эди. Шу йиллардан бошлаб лалмикор ерларда бошоқли дон экинлари экиш кескин пасая бошлади. Қисқариш асосан пахта майдонларининг кенгайишига, яйловлар, қурилиш объектларига айлантириш ҳисобига юз берди.

Ҳозирги кунда ҳам республикада дон ишлаб чиқаришнинг бош манбаи лалми майдонлар ҳисобланиб келинди. Бу майдонлар шу кунларга келиб 600 минг гектарга тушиб қолди.

Баъзи олимларимиз «жумҳуриятимизда ғалла экинларини кўпайтирсак, пахта ишлаб чиқаришга зарар бўлади», ёки «барча суғориладиган ерларга ғўза экканимизда ҳам ўз-ўзимизни дон маҳсулотлари билан таъминлай олмаймиз» деган фикрларга қандай қарайсиз?

— Бундай фикр эгалари нонимиз мустақил бўлгандагина умуммустақиллигимиз бут бўлишини тушуниб етмоқликлари керак. Ҳеч бир ривожланган мамлакат ўзида табиий шароит — ғалла экишга қулай бўла туриб, уни четдан минг азоблар билан ҳаражатлар ҳисобига олиб келишга муҳтож эмас. Тўғри, суғориладиган ерлардан олинаётган ғалла ҳосилдорлиги жудаям паст, 25—27 центнердан ошмаётибди. Аммо, Исроил, Англия, Франция, Голландия ва бошқа кўпгина мамлакатларда ғалла ҳосилдорлиги 60—70 центнерни ташкил этмоқда. Бизга қўшни бўлган Хитой ва Ҳиндистон мамлакатларида ҳам ҳосилдорлик биздагидан 1,5—2 баробар ошиқдир. Бизда бунга асосий сабаб пахта якқаҳокимлиги деҳқончилигимиздаги унинг ҳукмронлиги ҳисобланади. Шу пайтгача пахта орқасидан қувиб, серқиррали деҳқончилигимизни барча соҳасин шунингдек, сифатли ва мўл-кўл ғалла етиштиришни ҳам унутдик. Кузги ғаллазорлар пахта, беда алмашлаб экишдан ташқарида қолиб кетди. Бу ерларда эса аксарият ҳолларда тупроғи унумсиз, тошлоқ, шўрланган, ташландиқ ерларга тўғри келарди. Республикада суғориладиган майдонлар учун уруғчиликни йўлга қўйиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Натижада кўплаб хўжаликлар лалмикорликка районлашган навларни экиб келмоқда. Чунки жумҳуриятда якка илмий даргоҳ бўлган «Ғалла» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси олий нав уруғчиликни таъминлаш учун сув билан яхши таъминланган махсус уруғчиликка мослашган хўжаликларга эга эмас.



Бизнинг бирлашмада ишлаб чиқарилган навлар имконияти технологик чора-тадбирлар ва илғор хўжаликлар тажрибалари шуни исботламоқдаки, биз бугунги кунда ҳам суғориладиган ерлардан 55—60 центнер ҳатто 70 центнердан ошириб дон етиштиришимиз мумкин экан. Масалан, 1992 йили Фарғона вилояти Боғдод туманига қарашли «Пахтакор» жамоа хўжалиги 20 гектар жойдан 68,5 центнердан, Учқўрғон туманидаги «Деҳқонов» жамоа хўжалигидаги 61 гектар майдондан 65 центнердан, Навоий вилоятидаги Қизилтепа туманига қарашли «Бухоро» жамоа хўжалигида 100 гектар майдондан 60 центнердан, ўтган йилда Бухоро жамоа хўжалиги 200 гектар майдондан 76 центнердан буғдой ҳосили кўтариб, жумҳурият шароитида мўл-кўл ҳосил етиштиришни амалий исботладилар. Ғаллазорларни кўпайтириш республикамиздаги экологик масала, сув танқислиги ва ошиб бораётган шўрланиш каби сифатларни кучайтиришга ҳам ёрдам беради. Чунки, суғориладиган майдонларда қатор оралиқ ишлов берадиган экинлар қиш ва баҳор ойларида бўлмаганлиги учун тупроқдан кўпроқ нам сарф бўлиб кетади. Тузлар эса улар билан қўшилиб юза қисмга чиқади. Бу ҳосилдорликни ошириш учун ғалла экиб, чорасини топса бўлади. Ғалла экини куз, қиш, баҳор ойларида осмондан тушадиган намдан яхши фойдаланиш ҳисобига бир гектар ерга пахта ва бедага нисбатан 3—4 баравар суғориш сувини кам талаб қилади. Демак, жумҳуриятда ғаллани кўпайтириш пахтага зарар эмас. Кони фойда келтиради.

— Пахтанинг нархи жаҳон бозорида ғаллага қараганда юқори. Шунинг учун пахта майдонларини қисқартириб, бўлмайди, дегувчилар ҳам кўп.

Жаҳон бозорида бир тонна ғалланинг нархи 130 доллардан ошиқлигини ҳисобга олиб, такрорий экинларда 20 центнер ҳосил олганимизда ҳам олти тонна ғаллани камида 700—800 долларга сотишимиз мумкин бўлади.

Агар биз 4—4,5 миллион тонна ғаллани четдан келтираётган бўлсак, унинг валюта қиймати биз четга чиқараётган 850 минг тонна пахта толасининг нархига тенглашига амин бўламиз. Бундан ташқари четдан келтирилаётган бир килограмм ғалла 35 сўмга тушмоқда. Шунинг учун пахта ҳосилини 500 минг тоннага камайтирсак, республикамиз учун катта зарар бўлмаса керак. Чунки ҳар қандай бозордагидек жаҳон бозорида ҳам нима танқис бўлса ўша нарса қиммат бўлиши табиий. Агар пахтани қисқартириб, ғаллани кўпайтирадиган бўлсак, жаҳон бозорида пахта учун танқислик ва ғалланинг кўпайтириш ҳисобига қисман мўл-кўлчилик юз беради. Натижада жаҳон бозорида пахта нархининг қисман ошишига, ғалла нархининг пасайишига сабаб бўлиши муқаррардир.

— Рашид ака, мана сиз кўп йиллардан буён шу олийгоҳ қошидаги Марказий Тажриба хўжалигини бошқариб келяпсиз. 1989 йилдан хўжалигингиз жамоа пудратига ўтди. Натижалар қандай бўляпти?

— Натижа жакобий томонга ўзгарди. Меҳнатга муносабатнинг ўзгариши ва барча агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказиш натижасида ҳосилдорлик икки баробар ошди. 9—10 центнер ўрнига 20—25 центнергача кўпайди. Шунингдек, пудрат аъзоларининг манфаатдорлиги ошди. Масалан, В. Бабичев звеноси 1986 йилда ҳосилдорликни 10—12 центнерга етказган бўлса, пудратга ўтгач, 25 центнерга кўтарилди. Бу йил режа ҳар гектар майдондан 10,5 центнердан ҳосилдорлик олиш бўлган бўлса, 20 центнерга бажарилди. Жамоа пудратида иш ҳақи 1991 йил ўртача 1000 сўмга ошди. Бу звенода 840 гектар майдон бўлиб, етти киши меҳнат қилади. Меҳнат унумдорлиги 18,7 минг сўмга етди. Бу ўтган йилга нисбатан қарийб 3 баробар кўп демакдир. Жорий йилда мавжуд 28 минг гектар майдонга бошоқли дон экилиб, 50 минг тоннага яқин уруғлик дон етиштириб олинди. Режа эса 7,5 минг тонна эди.

— Сизнинг марказий тажриба хўжалигингиз жумҳуриятимиздги барча суғориладиган ва лалми майдонларга экиладиган хўжаликларга қараганда ҳосил унумдорлиги 10—12 центнер кўп фарқ қилади. Бунинг сабаби нимада?

— Хўжалигимизда бошоқли дон ҳосилдорлигини кўтариш учун аввало қуйидагиларга амал қилган эдик. Ҳар бир минтақаларга мослашган, илмий асосланган алмашлаб экиш схемаларини йўлга қўйдик. Иккинчидан, тоза шудгорни ўз вақтида кўтариб, сифатли қилиб ишлов беришни ташкил этдик. Ғаллазорларга органик ва минерал ўғитлар солишни одат тусига киритдик. Етиштирилган ғалла ҳосилдорлигини нобуд қилмасдан, ўз вақтида йиғиштириб олишга эришдик. Ва ниҳоят лалмикорликда бригада пудратига ўтиб ишлашимиз жуда қўл келди. Натижада ғалла ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Суҳбатдош Шароф СУЛТОНОВ.

ТУРФА ОЛАМ


Замбия Республикасининг марказий вилоятида жойлашган Коломо шаҳри полицияси ўғрилар гуруҳининг изини пойлайверибди, ҳолдан тойди. Замбия радиосининг хабар беришича, шаҳар яқинидаги кўп қаватли уйларда яшовчи кишилар ювилган кирларни қуритиш учун ташқарига ёйиб қўя олмаяптилар, негаки улар ҳар куни йўқолиб қолаётган эмиш. Дастлаб полициячилар бунга эътибор қилишмади, бироқ бир неча текширувлардан кейин улар аҳолининг шикоятлари ўринсиз эмаслигига иқрор бўлишди. Сўнг тартиб посбонлари қийинмлар осилган дорлар олдида навбатчилик жорий этишди ва бироз вақт ўткач, кирларни маймунлар олиб кетаётганини кўришди. Эпчил ўғриларни қўлга туширишнинг имкони бўлмади. Ҳозир полициячиларни боши қотган. Маймунларни отиш мумкин эмас, махсус қопқонларга эса бу жиноятчилар осонликча илинишмайди.

* * *

Кениялик сатанг қиз-жувонлар орасида машҳур бўлган терини ялтиратувчи ёғ упа «фақат ўзини бағишлаганлар учун» деб номланади. Бироқ Америка фирмаси ишлаб чиқарган бу пардоз буюмида хавфли кимёвий модда керагидан ортиқча эканига ҳеч бир сатангнинг ақли етмаган. Кения харидорлар ташкилоти (КХТ) мутахассислари яқинда бу ёғ упани текшириб кўриб, унда 3,6 фоиз гидрохинин моддаси борлигини аниқлашди.

1990 йилда Кения харидорлар ташкилоти ёғ упанинг ёмон таъсир қилаётгани тўғрисида 150 та шикоят олган эди. Бу йил эса шикоятлар аллақачон 600 тадан ошиб кетди. Маълум бўлишича, пардоз буюми африкалик гўзалларнинг терисини ялтиратиш билан бирга яллиғлантирар, қичитар ва беҳузур қилар экан. КХТнинг ҳисоб-китобларига кўра, биргина Найробида 20 минг аёл ана шу ёғ упага ҳар йили 60 миллион шиллинг тахминан (1,7 миллион доллар) сарфлар экан.

(ЎзА).



Дўстим дейми ё ўртоқ,
Дунёнинг ишига боқ —
Бугун битта ошқовоқ
Хомкалладан қимматроқ!..

ҚОВУН

Қовуннинг сершарбат эт-ларида С дармондори кўп бўлиб, А, В—1, В—2 дар мондорилари ҳам бор.

Қовунга Абу Али ибн Сино шундай таъриф беради: «Иккинчи даража аввалида со вуқ ва иккинчи даража охирида хўлдир. Пишмаган қовун таррак табиатига эга бўлади. Бунда қандай бўлма-син очиш хусусияти бор. Қовуннинг мальюний хили туғдирадиган хилти жиҳатидан бошқаларига қараганда яхшироқ. Қовуннинг эти, айниқса уруғи етилтирувчи ва тозаловчидир... Пўчоғини манглайга ёпиштирилса, кўзга тушадиган назларга жуда яхши тўсқинлик қилади... Қовун яхши ҳазмланмаса, қу сиш билан бўладиган ич кетишни туғдиради. Қовунни бошқа таом кетидан ейиш керак. Чунки қовун бошқа таом кетидан ейилмаса, кўнгилни айнатиб қустиради... Қовуннинг етилгани ҳам қонни, ҳам сийдикни ҳайдайди. Буйрак ва қовуқда майда тошларга, айниқса буйрак-да бўлганига фойда қилади.

- Ўрта Осиёда ягона
- Ака-ука Крафтлар ташаббуси
- Тиббиёт момиғи — тақчил маҳсулот
- Меҳнатга яраша рағбат
- Мақсад — жаҳон бозорига чиқиш

Маҳсулотинг бўлса, харидоргир бўлсин. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитидаги бор ҳақиқат ҳам шундан иборат. Тўғри-да, сифатли ва айни пайтда истеъмолчилар учун зарур маҳсулот ишлаб чиқаришга не етсин. Ўшанда ўз меҳнатингдан завқ оласан, қолаверса моддий манфаатдорлик ҳам ёмон бўлмайди.

Бешариқ момиқ фабрикаси жамоаси бу оддий ҳақиқатни тушуниб етганига анча бўлган. Шу боис, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар харидоргир, корхонадан буюртмачиларнинг кети узилмайди. Бу ёғи Қорақалпоғистондан тортиб Сурхондарёгача, Қирғизистондан тортиб Туркманистонгача бешариқликлар маҳсулотига интиқ. Ўзи ҳам фабрикамисан фабрика-да! Ўрта Осиёда ягона.

Корхона тарихи ҳам бир жаҳон. Уни 1909 йилда ака-ука немис Крафтлар Бешариқ қишлоғи марказида ташкил этишган. Бу ерда дастлаб маҳаллий халқ етиштирган хом ашё ҳисобига ўсимлик мойи ва совун ишлаб чиқарадиган кичик фабрика қурилган. Ўн еттинчи йилнинг Октябрь тўнтаришидан кейин давлат тасарруфига ўтказилган корхона пахта заводига айлантирилади. Ўша пайтда хом ашё заводга от-аравада ташилар ва ундан пахта ёғи, кир совун, кунжара ҳамда шелуха ишлаб чиқарилади.



1919—1920 йилларда заводга олтита пахта тарайдиган, иккита пахта оқлайдиган машина ва битта пахта пиширадиган қозон келтирилиб ўрнатилди. Ўшандан бошлаб корхона кийим пахтаси ҳамда тиббиёт момиғи ишлаб чиқаришга мослашган фабрикага айлантирилди.

Йиллар ўтиб, фабрика кенгайиб борди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ошди. 1950 йилда қарийб 2,5 минг тонна маҳсулот тайёрланган бўлса, 1970 йилга келиб бу кўрсаткич 10 минг тоннадан ошиб кетди. 1974 йилда корхонада кийим пахтаси ишлаб чиқарадиган янги цех қурилиб, ишга туширилди.

Бундан беш йил аввал фабрикада бўлган киши бугун уни танимаслиги мумкин. Боиси, шу йиллар ичида корхона ҳудудида катта қўламли қурилишлар қилинди. Ишлаб чиқариш бинолари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, маҳсулот сифати тубдан ўзгарди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз: бешариқликлар тайёрлаётган асосий маҳсулот кийим пахтаси ва тиббиёт момиғи ҳисобланади. Ушбу хом ашёга бўлган талаб катта. Очиғи, «оқ олтини»мизнинг бундай «хислат»ларини кўпчилигимиз яхши билмаймиз. Пахтадан юз хил маҳсулот олинади десак, лофни қўйинг деймиз. Аслида эса бу бор ҳақиқат. Мана, тиббиёт момиғини олайлик. Медицина муассасалари учун ўта зарур бўлган ушбу маҳсулот Ўрта Осиёда фақат Бешариқда чиқарилишини ҳисобга олсак, фабриканинг ҳозирги иқтисодий танглик шароитида барқарор фаолият кўрсатиши нақадар аҳамиятга эга эканлиги аён бўлади.

Фабрика маъмурияти буни аввал бошданоқ англаб етди. Бозор муносабатлари ташвишлари соя солмасдан илгарироқ унга пешвоз чиқилди. Энг муҳими, оддий ишчидан тортиб директоргача корхонани оғир аҳволдан тараққиёт ва равнақ йўлига чиқарадиган асосий муаммоларни ечишга эътибор қаратди.

Жумладан, 10300 тонна тиббиёт момиғи тайёрлаш қувватига эга бўлган янги цех қурилиши бошлаб юборилди. Бешариқ марказидаги шоҳкўчанинг чап қанотида юксалиб турган бу кўп қаватли цехи қурилиши учун шу пайтгача 8 миллион 655 минг сўм капитал маблағ сарфланди. Транспорт воситаларини таъмирлаш бинои, хом ашё сақланадиган усти ёпиқ майдон қурилди. Фабрика ички йўллари асфальтланди.

Хом ашё муаммоси ҳам қисқа фурсатда ҳал этилди. Бу ерда бир йилда қарийб 18 минг тонна пахта толаси ишлатилади. Ҳозир корхонада зарур хом ашё ғамлаб қўйиляпти. Сурхондарё, Хоразм, Бухоро вилоятларидаги пахта тозалаш заводларидан шартнома бўйича пахта толаси пешма-пеш келиб турибди.

Фабрикада яна бир ниҳоятда муҳим масала — ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари ҳеч пайсалга солинмай амалга оширилмоқда. Ноябрь ойида бу ерда ишчиларнинг ўртача моши 4 минг сўмни ташкил этди. Маълумки, нарх-наво кундан-кунга ошиб бормоқда. Корхона маъмурияти шуни ҳисобга олиб, ижтимоий муҳофаза воситаларини ўзгариб бораётган шароитларга мослаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Яқинда Россиядан мол айирбошлаш эвазига 500 куб-метр ёғоч-тахта келтирилиб, арзон нархда ишчи-хизматчиларга сотилди. Кийим пахтаси тайёрлайдиган цех чиқиндиси — шелуха ҳам ишчиларга тарқатилмоқда. Фабрика ҳудудида эшик-ром тайёрлаш, автомашиналарни таъмирлаш устахоналари ишлаб турибди. Ҳовли-жой қураётган ишчилар эшик-ромни бу ерда сув текинга харид қилишяпти.

Корхона аҳлига ички имкониятлар ҳисобидан кўрсатилаётган моддий ёрдам ва имтиёзлар ҳам бир талай. Тўғриси, меҳнатга яраша рағбат бўлиб тургандан кейин иш ўз-ўзидан юришиб кетавераркан. Бунга қуйидаги рақам ҳам мисол: шу йилнинг ноябрь ойигача 206 миллион 704 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу режадагидан қарийб 16 миллион сўм кўп маҳсулот дегани. Умуман, фабрикада халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш ўн бир ойлик режаси 108,4 фоизга уддаланди. Шунга яраша соф даромад ҳам кўпайди.

— Ҳозир биз учун ягона муаммо янги тикланаётган пахта момиғи цехини тезроқ қуриб битказиш, — дейди фабрика директори Иброҳим ака Ғаниев. — Бозор иқтисодиёти шароитида давлатдан маблағ олмай туриб цех қурилишини ниҳоясига етказиш қийин кечмоқда. Чунки маблағ йўқлиги туфайли пудратчи ташкилотлар билан фабрикамиз ўртасидаги шартнома амал қилмай қўйди. Бунинг устига қурилиш материаллари ҳам қимматлашиб бормоқда.

Агар янги цех тез орада ишга туширилса, яна минг кишини иш билан таъминлаш имконига эга бўлардик. Ўзингиз биласиз, Фарғона водийси аҳолиси зич, ишчи кучлари бисёр ўлка. Шундай бўлгач, Ўзбекистон енгил саноат давлат уюшмаси бу масалада бизга ёрдам қўлини чўзса айни муддао бўлур эди.

Кейин бизнинг ниятларимиз ҳам катта. Яқин келгусида илғор хорижий фирмалар билан алоқа боғлаб, ишлаб чиқаришни тубдан замонавий техника ва технология билан янгилашни режалаштиряпмиз. Асосий мақсад — республика истеъмол бозорини сифатли маҳсулот билан тўлдириб, жаҳон бозори сари йўл олиш. Ўйлайманки, бунинг учун имкониятлар етарли. Фақат жамоада ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб, иш маромини сусайтирмасак бўлгани. Ана шунда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришимиз тайин.

Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ,


Аслиддин ОРТИҚОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Момиқ фабрикаси директори Иброҳимжон Ғаниев; 2. Цех бошлиғи Анваржон Комилов, пар хўжалиги бошлиғи Акром Акбаров, цех бошлиғи ўринбосари Неъматжон Ғаниевлар; 3. 50 килограммлик той пахталар вагонга юкланиш олдидан.



МАҲСУЛОТ БЎЛСА, ХАРИДОРГИР БЎЛСИН





ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАРГА БИНОАН ТАРТИБГА СОЛИШ МАҚСАДИДА МДҲ ДАВЛАТЛАРИ МАЪМУРИЯТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН КЕЛИШИЛГАН ҲОЛДА 1993 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИДАН БОШЛАБ «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ҲАВО КЕМАЛАРИНИНГ УЧИШ ВАҚТИ МАҲАЛЛИЙ ВАҚТ БИЛАН БЕЛГИЛАНИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН АВИАЧИПТАЛАРДА МАҲАЛЛИЙ ВАҚТ КЎРСАТИЛАДИ.

ЙЎЛОВЧИЛАРДАН УТА ДИҚҚАТ ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИШНИ ВА САМОЛЁТ УЧИШИГА КЕЧИКМАСЛИКЛАРИНИ СЎРАЙМИЗ.

ТАШКИЛОТЛАР ВА ХУСУСИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ҚОНУНИЙ, ИСТАЛГАН МУРАККАБЛИКДАГИ

МУҲРЛАР ВА ШТАМПЛАРНИ 1—7 КУН ИЧИДА

ТАЙЁРЛАЙМИЗ.
ҲАҚ ТЎЛАШ — НАҚД ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН.

Телефонлар: 50-54-43, 50-92-19.

МАНЗИЛГОҲ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, У. НОСИР КУЧАСИ—91. (Собиқ Ш. Руставели), 63-ХОНА.

ТАДБИРКОРГА ЭЛ ҲАМДАМ

ИСТИҚБОЛГА МЕҲНАТ БИЛАН ЭРИШИЛАДИ

Халқимизда «Ёзда палов, қишда олов» деган гап бор. Бизга қолса, ҳар иккаласи ҳам ёнма-ён бўлса яна ҳам яхши. Негаки, унисиз ҳам, буниси ҳам доимо керак. Бухородаги Қоракўл ип-йигирув фабрикаси жамоаси ўзининг келажакдаги орзуларини рўёбга чиқариш мақсадида бир қанча ибратли ишларни қилмоқда. Мухбиримиз шу корхона раҳбари Исроил Шодиев билан ана шу хусусида суҳбатлашди.

— Исроил Яҳёевич, сиз фабрикага раҳбар бўлиб келганингизда унинг иқтисодий аҳволи бир қатор сабабларга кўра анча оғир эди. Аввалом бор, ишни нимадан бошлаган эдингиз?

— Тўғри, менинг бу ерга ишга келишим сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги катта ўпиришлар бошланиш даврига тўғри келган. Ўша пайтда нафақат Қоракўлда, балки жумҳуриятимизда ҳам, собиқ Иттифоқда ҳам аҳвол ниҳоятда танг эди. Илгари амалда бўлган иқтисодий алоқалар узилган, ишчилар эса озгина маош билан эртанги кунга ишончи йўқолиб бораётган бир даврда ишни нимадан бошлаш мумкин?! Албатта, уларнинг келажакка бўлган ишончларини уйғотиш, меҳнат интизомини тубдан яхшилашдан бошламоқ керак эди.

Аввало, кадрларни жойжойига қўйиб, улар билан қаттиқ ишлашга тўғри келди. Меҳнат интизомини яхшилаш, технологик жиҳозларни янгилаш ҳамда ишчиларнинг иш ҳақини оширишга алоҳида эътибор бердик. Уларга ўз дўконимиз орқали тайёр маҳсулотлар ва озиқ-овқат молларидан харид қилиш имкониятларини қидириб топдик.

— Эшитишимизча, сиз анча қаттиққўл экансиз. Тартиб-интизом учун қаттиқ курашиб, қўпгина кадрлардан воз кечишга ҳам тўғри келибди. Табиийки, бу ҳаммага ҳам ёқавермайди...

— Ҳақиқатан ҳам ароқхўрларни, прогулчиларни қонунда кўрсатилган модда бўйича ишдан олишга тўғри келди. Аммо шунга аминманки, меҳнат интизомига қатъий риоя қилмасдан туриб, ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмаймиз.

— Исроил Яҳёевич, режаларнинг бажарилиши кўпроқ нималарга боғлиқ, деб ҳисоблайсиз?

— Аввало, ҳар бир ишчи ва ходимнинг, муҳандис-техниканинг ўз ишига, виждонан ёндошишига, айтилган гап билан иш бирлигига амал қилишига, хом ашё, технологик жиҳозлар ва ишчи кучидан ўз ўрнида тўғри фойдаланишига боғлиқ. Қолаверса, меҳнат жамоасининг аҳиллигини биринчи ўринга қўйган бўлардим.

— Янглишмасам, фабрика ингичка толали пахтадан харидоргир, юқори сифатли ип ишлаб чиқаради. Бундай хом ашёга ташқарида талаб жуда катта бўлгани ҳолда истеъмолчиларга нега энди уч ҳисса арзонга етказиб бериляпти? Ахир, бозор иқтисодиёти шароитида бу масаланинг тўғри ҳал этилиши жуда муҳим-ку!


— Ҳар тонна маҳсулотимиз учун 185 минг сўм пул ёки валюта таклиф қилиб турган бир вақтда, жумҳуриятимиздаги Олтинкўл, Андижон, Самарқанд, Бухоро ва Тошкентдаги «Малика» трикотаж корхоналарига атиги ҳар тоннаси учун 65 минг сўмдан маҳсулот етказиб беришга мажбур бўлмоқдамиз. Иншооллоҳ, вақти келиб, бу ишлар жойига тушиб кетишига умид қиламиз.

Ўйлайманки, қачон шу корхонада тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилгандагина, яъни тўғридан-тўғри дўконларга жўнатиладиган тайёр маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйганимиздан кейингина асосий мақсадга эришган бўламиз. Бу борада илк қадамлар қўйилмоқда. Шу кунларда Швейцариянинг «Ристер» ва Венгриянинг «Рубин» фирмалари билан ҳамкорликда иш бошлаш арафасида турибмиз. Фабрикамиз истиқболи тўғрисида гапирадиган бўлсам, агар юқорида айтиб ўтилган мақсад ва вазифалар амалга ошгудай бўлса, нафақат жумҳуриятда, балки жаҳон миқёсида кўзга кўринган қудратли корхоналардан бири бўлишига имоним комил. Шундай дейишга асослар етарли.

Бироқ шу кеча-кундузда ўз ишимиздан қониқаяпмиз, деб айтолмайман. Тўғри, кейинги кунларда иш суръатида сезиларли ўсиш бор. Лекин бу ҳали ўз имкониятимиз даражасида ишлаяпмиз, дегани эмас. Агар шу ўсиш сақланганда ҳам ойлик режамизни уддалашимиз анча қийин кечади. Демак, суръатни тағин ҳам оширмоғимиз лозим. Шу мақсадда лозим бўлган ҳамма резерв ва имкониятлар ишга солинмоқда. Хайрият, ишчиларимиз зиммамиздаги катта масъулиятни тўғри англашаяпти. Керак бўлганда қўшимча смена ташкил этаяпмиз. Ҳатто дам олиш кунлари ҳам ишга чиқамиз деганимизда ҳам ҳеч қандай эътироз бўлмади. Масалан, ўтган дам олиш куни қарийб 100 фоиз ишчи ва техникларимиз ўз иш ўринларини эгалладилар ва шу куни юқори кўрсаткичга эришилди. Бундай кунлари ишлаш ташқаридан қаралганда унчалик тўғри эмасдек туюлади, лекин кўпчиликнинг хоҳиш-иродасига қараганда, фойдали эканлиги исботланаяпти. Бу дегани — ҳам қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, ҳам қўшимча пул ишлаб топиш деганидир.



Соҳиб САЛИМОВ.





НАСРИЙ МАСАЛ

КЕКСА ЧИВИННИНГ МАСЛАҲАТИ

Ёшгина чивин айлана-айлана қон сўролмади-да, кекса чивинга шикоят қилди:

— Одамни ҳеч чақолмаяпман, нуқул кўриб юз-қўлига, умумай танасига яқинлаштирмаяпти!

— Э, шуни ҳам билмайсанми, — деди кекса Чивин ғўнғиллаб. — Одам боласининг оёғи тагини чақсанг, қашлайман деб энгашади-да, ана шунда бўйнига ёпишиб, қонини сўрасан.

— Сиз буни қандай ўргангансиз? — деб сўради ёш Чивин.

— Одамларнинг ўзидан, — деди муғомбир кекса Чивин. — Одатда ғаламис одамлар яхши одамларни юзма-юз енголмай, орқаларидан чалиб, қасос оладилар.

Ёш Чивин маслаҳатни бажарганн шитоб билан учиб кетди...

Тўлқин РАСУЛЕВ.

ШУ ҲАМ КАЛИШМИ?

Наманган вилоят матлубот уюшмасининг улгуржи моллар базасида бундай манзарани тез-тез кўриш мумкин: калиш ортилган машина келадида, бироз тургач, юкни туширмай қайтариб олиб кетади. Ҳолбуки, калиш кўп вақтдан буён жуда тақчил мол саналади. Савдо ходимлари эса калишни қабул қилиб олишдан ҳамон бош тортмоқдалар. Ҳар қандай калишни эмас, Поп резина буюмлар заводида ишлаб чиқарилган калишларни олишмаяпти.

— Чунки бундай калишларни қабул қилишдан фойда йўқ, — дейди вилоят матлубот уюшмаси саноат моллари бўлимининг мошуноси Ш. Абдуллаев, — уларни ҳеч ким харид қилмайди.

Ҳақиқатан ҳам илма-тешик, йиртиқ калишларни ким харид қилади! Чап пойи ўнг пойидан катта калишлар ҳам учраб туради. Поп заводи ана шунақа «антиқа» калишлар ишлаб чиқармоқда. Масалан, вилоят матлубот уюшмасининг Тўрақўрғон улгуржи моллар базаси йил давомида 7500 жуфт яроқсиз калишни заводга қайтарди. Чуст савдо базаси ҳам сифатсизлиги учун олти минг жуфт калишни қайтариб юборди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Завод ишида эса ўзгариш бўлмаяпти.

(ЎзА мухбири).

ТАШКИЛОТЛАР, ҲАМКОРЛИКДАГИ
КОРХОНАЛАР, КИЧИК КОРХОНАЛАР,
ХУСУСИЙ ФИРМАЛАР
РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР

ДИҚҚАТИГА!

«УЗПРОФБАНК» КАСАБА ТИЖОРАТ БАНКИ—

СИЗГА ТЕЗ, ЭЪТИБОРЛИ
ВА МАЛАКАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

«Узпрофбанк»да ҳисоб счётингиз бўлса Сиз энг кам фоизли даромад тўлаш билан қарз пули олиш, кредитлаш, молия—хўжалик фаолиятини якунлаш, ўзингизнинг эркин маблағларингизни самарали ишлатиш ва бошқа масалаларга доир малакали маслаҳатлар олишга эга бўласиз.

АГАРДА СИЗ МАБЛАҒИНГИЗНИ КЎПАЙТИРИШ НИЯТИДА БЎЛСАНГИЗ, «УЗПРОФБАНК»ГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ. СИЗ БУ ЕРДА ДЕПОЗИТЛАР БЎЙИЧА ҚАМИДА 15 ФОИЗ ВА ШАХСИЙ ЖАМҒАРМА БЎЙИЧА 17 ФОИЗ ЙИЛЛИК ТЎЛАШ БИЛАН ҚАРЗ ПУЛИ ОЛАСИЗ.

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй (2-қават).

Телефонлар: 56-75-67, 56-79-57, 56-78-85.

УЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА
ПОКИСТОННИНГ
«ХАЙБЕР ГРУППА КОМПАНИЙ»
ФИРМАСИ

қаттиқ қоғоз қутидаги виржиния тамакисининг узун фильтрли «А» тонфадаги сигареталарини истеъмолчилар эътиборига

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

HUNTER, HILTON, WILSON SPECIAL
Бозор баҳоларидан арзон.

Эркин муомаладаги валюта (СКВ)га сотилади.

Долларнинг нисбатан курси бўйича сўмларга ҳам сотилиши мумкин.

Телефон: 41-55-07.

Факс: 41-06-31.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1992 йил 23 декабрдан республика ҳудудида сўмга нисбатан чет эл валютасининг қуйидаги курси ўрнатилганлигини хабар қилади.

1 Австралия доллари	286 сўм 77 тийин
1 Австрия шиллинги	37 сўм 85 тийин
1 Англия фунт стерлинги	646 сўм 90 тийин
10 Бельгия франки	127 сўм 28 тийин
1 немис маркаси	264 сўм 36 тийин
1 голланд гульденги	235 сўм 30 тийин
1 Дания кроии	68 сўм 53 тийин
100 Италия лираси	29 сўм 50 тийин
1 Канада доллари	327 сўм 52 тийин
1 Норвегия кроии	61 сўм 46 тийин
1 АҚШ доллари	415 сўм 00 тийин
1 Финляндия маркаси	80 сўм 52 тийин
1 Француз франки	77 сўм 43 тийин
1 швед кроии	59 сўм 83 тийин
1 Швецария франки	293 сўм 29 тийин
10 Япония нени	33 сўм 74 тийин
1 ЭКЮ	515 сўм 85 тийин
10 Испан песети	37 сўм 32 тийин
10 Греция драхми	19 сўм 87 тийин
1 Ирландия фунти	698 сўм 74 тийин
1 Исландия кроии	6 сўм 67 тийин
1 Кувайт динори	1391 сўм 68 тийин
10 Ливан фунти	2 сўм 25 тийин
10 Португалия эскудоси	29 сўм 58 тийин
1 Сингапур доллари	253 сўм 51 тийин
10 Туркия лираси	0 сўм 50 тийин

ШАХСИЙ ЭЪЛОНЛАР

СОТИЛАДИ

Оҳангарон шаҳридаги шинам коттеж ёки уни автомобилга алмаштираман.
Оҳангарондаги телефон: 5-25-15.

* * *

Кул ва оқ рангдаги автомобиль бўёғи. Телефонлар: 68-29-11, 98-09-87.

* * *

«Обь» («Фея» турндаги) кир ювиш машинаси. Телефон: 32-21-26.

* * *

Майск поселкасидаги чорбоғ участкаси. Телефон: 69-85-43.

* * *

16 тоннагача юк кўтарадиган К-162 автокрани. КрАЗ-257 шассиси. Телефон: (8-264) 5-54-46.

* * *

Номерни аниқ айтадиган телефон.
Телефон: 62-62-59.

СОТИБ ОЛАМАН.

Қадимий тангалар, кумуш буюмлар. Телефон: 91-31-27.

ТУРЛИ ХИЛ ЭЪЛОНЛАР

1975 йилда чиқарилган «Москвич» автомобилини ва янги япон видеомагнитофонини УАЗга алмаштираман. Телефон: 55-86-40.

* * *

Икки хонали квартирани эркин муомаладаги валютага ижарага бераман. (Тўртинчи қават, телефони бор, вокзал ноҳияси, «Военторг» дўкони).
Телефон: 76-36-99.

* * *

Чекланмаган миқдорда шакар мавжуд (Голландияда ишлаб чиқарилган). Телефон: 34-73-89.

* * *

500 минг сўмни қарзга оламан — 1 йилдан сўнг фоизи билан қайтараман. Қуйидаги манзилгоҳга ёзинг: 700000, Тошкент, серияси ХП—ЮС 747142 рақамли паспортни кўрсатган кишига.

* * *

Муҳтарама ВАСФИЯХОН опа!

Муборак 60 ёшингиз қутлуғ бўлсин. Сизга дунёдаги барча яхшиликларни тилаймиз.

Синглингиз
МАВЖУДА

* * *

«Одил» фирмаси уй хоналарини пардозлаш, гул қоғозлар ёпиштириш, оқлаш, бўяш, кошин ўрнатиш ишларини бажаради.

Шунингдек, пайвандлаш, санитария-техника жиҳозларини таъмирлаш, эшиклар ва уларга қулфлар ўрнатиш каби ишларни ҳам амалга оширади.

Иш ҳақи ўзаро келишилади. Материаллар фирманинг ўзида ҳам бор.

Буюртма учун 90-17-95 телефонига қўнғироқ қилинг.

БУ АЖАБ ДУНЁ

Аргентинада ҳар йили деярли 8 минг киши автомобиль ҳалокатининг қурбони бўлади. Автоҳаваскорлар миллий уюшмасининг тадқиқотларига кўра, 80 фоиздан ортиқ йўл-автомобиль ҳодисалари хусусий автотранспорт эгаларининг ва такси эгаларининг айби билан содир этилади.

* * *

Француз армиясининг аскарларига келаси йилнинг январидан бошлаб тарқатиладиган янги дубулғалар ниҳоятда ўзига хос бўлиб, пўлатдан эмас, балки полиэтилендан ишланган.

«Спектра» деб номланган янги дубулға аввалгисига нисбатан бошнинг 15 фоиз кўпроқ қисмини беркитиб тўради ва у тахминан 200 метр наридан отилган ўқни қайтара олади. Янги дубулға фақат оғирлиги жиҳатидан аввалгисидан фарқ қилмайди. 1,4 килограмм келадиган «Спектра»нинг баҳоси, мутахассисларнинг фикрига кўра, 1.200 француз франки ёки 220 долларга тенг бўлади.

* * *

2010 йилга бориб, Токио шаҳри ва унга қарашли туманларда 40 миллион киши, ёки Япония аҳолисининг 30 фоизи тўпланади, деб ҳисоблайди Япония соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги.

* * *

1990 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати натижалари ва туғилиш ҳисоб-китобларини таҳлил қилган вазирлик 2010 йилга бориб, Японияда 130 миллион киши яшайди, деган хулосага келди.

(ЎзА)

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1993 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИГАЧА 1993 ЙИЛДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА РАЙОНЛАР, ШАҲАРЛАР, ВИЛОЯТЛАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ИДОРАЛАРИ ВА «ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ» РЕСПУБЛИКА КОРХОНАСИГА БУЮРТМА БЕРИШЛАРИ ҲАМДА ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШЛАРИ ЛОЗИМ.


«ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ» КОРХОНАСИ ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, АГАР ЮҚОРИДАГИ БУЮРТМАЛАР ВА ИККИ ТОМОНЛАМА ИМЗОЛАНГАН ШАРТНОМАЛАР БЎЛМАСА, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕРИШ ОГОҲЛАНТИРИШСИЗ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИЛАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ «ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ» РЕСПУБЛИКА КОРХОНАСИ



Аямайман укам бўлсанг ҳам,
Бир кун ҳали раҳмат айтарсан.

Қийнал, чида, ўрган, ҳаёт бу —
Ўз араванг ўзинг тортарсан...



Улар мени алдашди,
Мен ҳам қилдим шармандa.
Икки доҳий мен билан
Қайин кесди... ўрмонда.

«ОСИЁ БОЗОРИ» ЮТУҚЛИ ЛОТЕРЕЯСИ ЎЙИНИДА ЮТҚАЗМАЙСИЗ

Оламда — лотереялар турн кўп. Уларда кимдир ютади, кўпчилик ютқазади. Бизнинг лотереямиз эса бундай эмас. Зеро, бунда ўйнаганлар асло ютқазишмайди.

Бунинг учун Сиз газетамизда чоп этилаётган купонни тўлдириб, редакцияга жўнатасиз. Шундан сўнг омадим келди деяверинг. — Сиз энг аввало газетада бепул эълон бериш имкониятига эга бўласиз. Ҳолбуки, бундай эълонни рўзномада камида 500 сўмга чоп эттирасиз.

Бундан ташқари купон ютуқли лотереяда қатнашади, унда пул мукофотини ютишингиз, ўз суратингиз ёки оилавий суратни рўзномада чоп эттиришингиз, шунингдек, алоҳида совғага ҳам сазовор бўлишингиз мумкин.

Қанчалик кўп купонни тўлдириб, редакцияга юборсангиз, лотереяда ютиш имкониятингиз шунча ошади.

«ОСИЁ БОЗОРИ» ЛОТЕРЕЯ КУПОНИ

Қаерга: 700083, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. «Осиё бозори» ҳафталиги редакциясига
Кимдан: район, шаҳар, вилоят
Фамилияси, исми, отасининг исми
«Осиё бозори»да чоп этиш учун эълон матни

БИЗНИНГ ЛОТЕРЕЯ: «ОСИЁ БОЗОРИ»

Ҳурматли опаларим Ҳуррият ва Одинажон!

Сизларни кириб келаётган Янги йил билан қутлайман!

Улуғбек МАТЮСУПОВ
Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 30-уй.

Ҳурматли умр йўлдошим Бахтиёр ва қизим Юлдузхон!

Туғилган кунларингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омад ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин, деб оила аъзоларингиз: Инобат, Жаҳонгир, Феруза ва Баҳодир.

Мирзо Улуғбек давлат хўжалиги.

беда уруғи
СОТАДИ
С. УСМОНОВ,
Қашқадарё вилояти, Касби ноҳияси,

Тошкент вилояти, Оҳангарон ноҳияси, А. Навоий номидаги жамоа хўжалиги, Ленинчи қишлоғи.

БОЗОРМИСАН, БОЗОР

ЎЗБЕКИСТОНДА КАМ МАОШГА РОССИЯДАГИГА ҚАРАГАНДА 3,5 БАРОБАР КЎП НАРСА СОТИБ ОЛИШ МУМКИН

● Мустақил диёр аҳолисининг қарийб олтмиш фоизини деҳқонлар ташкил этади. Яқин ўтмишда пахта майдонларида тонг отардан кун ботаргача меҳнат қилиб, тер тўкиш уларга деярли фойда келтирмас эди. Шу боисдан, истиқлолга юз тутган Республика юртбошилари ўзларининг дастлабки хайрли ишларини одамларга ер бериш тўғрисидаги фармойиш билан бошладилар. Томорқа хўжаликларининг ўртача сатҳи 20 сотихдан иборат бўлиб, 2,5 миллион онлага ер тақсимлаб берилди. Бу, кўп ўтмай ўз самарасини берди: магазинларнинг пештахталари, кўплаб бозорлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўла бошлади. Ҳозир Тошкент таъмади қилиб олиш муаммоси ҳал этилган бирдан бир шаҳарлардан ҳисобланади. Катта кичик чойхоналар, кабобхоналар, лағмонхоналарни ҳар қадамда учратиш мумкин. Мослаштирилган магазинлар-у дўконларда океан ортидан келтирилган турли газламалар, ичкиликлар, ширинликлар билан савдо қилинмоқда. Бўрсилдоқ нонлар, патирлар сероб... Келинг, яхшиси бозор айланайлик.

Бозор Шарқда одамлар йиғиладиган, гурунглашадиган, янгиликлардан хабардор бўлиш, савдо-ю тижорат ишларининг маскани ҳисобланади...

Тошкентдаги «Олой» бозорини Шарқ бозорларининг ўзига хос тимсоли, дейиш мумкин. Қарийб саккиз гектарга ястанган бу бозорда ҳамма нарса топилади. Шаҳарнинг марказида жойлашгани учунми атрофи кўпқаватли бинолар билан ўралган. Бу ерга одамлар пиёда, машинада келадилар. Транспорт хизмати ҳам жойида. Ҳалқ ҳунармандларининг моллари, турли касбдаги одамларнинг қўлбола буюмлари билан савдо қилиш айниқса қизғин тус олади. Бешиклар, сандиқлар, келинлар учун мўлжалланган ўзига хос сарполар дейсизми. Бозорга кираверишда гулчиларнинг санъатига қойил қолмай иложингиз йўқ. Нималар билан савдо қилишмайди дейсиз!

— Бозор ташкил топганига неча йил бўлган деб ўйлайсиз? — директор ўринбосари А. Ҳайдаровни суҳбатга тортамиз.

— Бозорнинг ёши шаҳарникидан каттароқ бўлса керак. Ҳозир бу ерда уч минг савдо ўрни бор. Гоҳида сотувчилар ундан ҳам ошиб кетишади. Ҳар бир ўрин бир кун учун юз сўм туради. Одамлар шикоят қилишаётгани йўқ. Демак, яхши даромад топмоқдалар. Дарвоқе, руҳсатномаси йўқ шахсий кишиларга ўрин бермаймиз. Солиқ инспекцияси ҳозиру нозир.

— Айтингчи, бу ерда тартиб-интизом масаласи қандай ҳал қилинган? Чунки бозорда ҳар қандай воқеа бўлиши мумкин.

— Биринчидан бозорда 77 ходимимиз хизмат қилади. Иккинчидан, милиция ҳамда халқ дружиначилари ёрдамларни аяшмайди. Албатта, ўғриликлар бўлиб туради. Гоҳида йиғитлар тортишиб қолишади. Зеро, ўрнатилган тартибдан четга чиқилмайди.

— Бозорнинг даромади ҳам чакки бўлмаса керак?

— Бозор майдонидан фойдаланганлик, хоналарни ижарага олиш, хизмат кўрсатиш бўйича ойига даромадимиз бир миллион сўмдан ортади. Бунинг маошимизга тасарруф этилганидан қолгани ободончилик ва бозор майдонини кенгайтириш ишларига сарфланади.

— Бозорда одамлар ўзлари етиштирган маҳсулотлар билан савдо қиладиларми ёки олиб сотарлар ҳам борми?

— Ҳозир йирик олиб сотарликка барҳам берилган. Илгари унча-мунча бўлиб турарди. Биз бундай кишиларни бозорнинг ўзида кўргазмали қилиб сазойи-суд қилдик. Баъзиларига муддат белгиланди. Қолганлари эса чўчиб қолишдими, ўзларини тийиб олдилар. Ундан ташқари бизда иккита савдо-сотиб олиш корхонамиз бор. Ижарага олиш магазини шаҳардаги энг йирик савдо корхоналаридан ҳисобланади. Буларга хоҳлаганча маҳсулот топшириш, пулини олиб вақтдан ютказмай юриш мумкин. Ҳозирча кўкатлар билан олиб сотарлик қилувчи онахонларни демасак, ҳеч қандай «маҳфия» йўқ, десам, ишонаверинг.

Бу суҳбатдан кейин бозор директори Б. Тошпўлатов билан атрофни айландик. Қараб турнб кўзингиз қувнайди: олов ранг баргаклар, серэт туршаклар, лимонлар, ранг-баранг олмалар, янги узилгандай узумлар... Тарвуз-қовунлар, қоп-қоп ёнғоғу нўҳотлар...

— Қаердан келгансиз? Қуёш кўрган, истараси иссиққина, кексалигига қарамай, кўринишидан тетик ва бардам деҳқондан сўраймиз.

— Фарғона водийсидан, қизим. Бу туршакларни колхознинг боғида етиштирганмиз. Маҳсулотнинг ярми хўжаликка, қолгани бизга. Хоҳласам дастурхонга сочаман, истасам сотаман.

Шоп мўйловли қариянинг ҳам савдоси чаққон. Унинг кўксида уруш нишони.

— Мени ўрабой Султонов, русчасига Толик дейишади, — дейди отахон. — Фахрийман, икки урушни кўрганман, ногиронман. Мана энди тўққиз ойдирки, бозорда яшайман. Бу менга ёқади. Ўғлим Афғонистонда бедарак кетди, кампирим қазо қилди. Енғоқлар яхши бўлиб берди. Сотиб турибмиз, имон эмас.

Толик амаки афтидан ҳеч қаерда яшашга жойи йўқлигидан бозорда қолаётгани йўқ. Бозорни таъбир жоиз бўлса, ўз қонунлари бор, алоҳида давлат, деса бўлади. Боиси, сотувчилар кун бўйи савдо қилиб, кейин тинчгина молини шу ерда қолдириб, (йўқолиб қолмаслигига ишонишади) яшайверадилар. Бир-бирларини алдамай, кўмаклашиб, қарашиб юрадилар.

— Олисдан келганларга бозоримиз антиқа таъсурот қолдириши мумкин, — дея суҳбатга аралашди ёши ўтиброқ қолган аёл. — Аммо нарх осмонга сакраяпти-ку!

— Барибир, бу ерда Москвага қараганда 2—3 баробар арзон. Янги узилган ҳурмолар 60—80 сўм. Баргаклар 170—180, кишмиш 180, ёнғоқлар ҳам шу атрофда. Қовун 20 сўм, гўшт 90—100 сўм.

Бозорнинг кўзга ташланадиган ерида нуроний отахон ёқимли овозда ҳиргойи қилаётганди. Толик амакиникига ўхшаш уни ҳам нишони бор. Бу қария балки, ўзининг ёшлик чоғларини эслаётгандир. Лекин ўтган-кетганнинг дуосини қилиб, умрига умр, топганига барака, оиласига тинчлик-хотиржамлик тилаётган отахоннинг нидосида серқуёш диёр келажаги, юртбошиларининг донишмандлиги, Ўзбекистоннинг истиқболи ҳақидаги сўзлар борлиги ёшу қарини тўлқинлантирарди...

Л. НОВИКОВА.
(«Аргументы и факты»дан).

МУАССИСЛАР: «Ўзбекистон овози» ва «Осиё бозори» газеталари ижодий жамоалари.

ҲОМИЙЛАР: Ш. Рашидов фонди, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва автомобилсозлик концерни, Ўзбекистон Республикаси миллий банки, «Ўзбекистон олтини» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Туркистон» биржаси.

Нашр учун масъул
Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада 1 марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

● БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент 700083, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-76-04, 32-53-15, 33-38-55, 32-54-14, 32-57-19.

Индекс 75487 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Камол Ижодхонасида

Адабиёт боқийдир



Инсоният карвони йўл босиб боради. Худонинг даргоҳидан чиқибмиз, Худонинг даргоҳига етамиз... Бу йўлда не-не маънавий манзиллар, не-не машаққатлар... Адабиёт — ана шу сафар китоби, инсоният руҳий изланишларининг ҳисоби... Сафар давом этар экан, у ҳам давом этаверади.

Бу адабиёт боқийлигига биринчи далил.

Жаҳонда неки қилди одамизод,
Тафаккур бирла билди одамизод —

демишлар бобомиз Алишер Навоий.

Тафаккур — инсоннинг инсонлиги. Тафаккур — инсоннинг тириклиги... Адабиёт — бадиий, тимсолий тафаккур. Инсоният тирик экан, у тафаккурдан, фикрлашдан тўхтамайди. Демак, адабиёт ҳам давом этаверади.

Бу — адабиёт боқийлигига иккинчи далил.

Асоратга тушган халқнинг ёлғиз бугуни, эртаси эмас, кечаги куни, кечмиши ҳам асоратга тушади. Асоратдан қутулган халқнинг ёлғиз бугуни, эртаси эмас, тарихи ҳам асоратдан озод бўлади. Биз мустамлака асоратидан қутулдик, мустақил бўлдик. Ёлғиз бугунимиз, эртамизни эмас, кечмишимизни ҳам янгича куч билан янгидан бадиий идрок этишимиз даркор. Буюк вазифа буюк куч бағишлайди ва келажакда буюк адабиёт пайдо бўлади.

Бу адабиёт боқийлигига учинчи далил.

«Ўзбекистон овози» рўзномаси адабий жараённи изчил ёритишга интилиб, махсус саҳифалар бермоқда. Бу — ғоят хайрли иш, нашр ишлари қийинлашиб қолган ҳозирги шароитда ёзувчига ҳам, ўқувчига ҳам мадад, яхши, холис хизмат.

Каъбатуллоҳ қаршисида...

Бу ерда айтганинг ҳар сўз
жондин хитоб ўлур,
Кўнгилга тушган ҳар шуъла
офтоб ўлур...

«Оллоҳу акбар»инг берғай
бирмас, минг садо,
Сендан савол эса, жоним,
ҳақдин жавоб ўлур...

Мажнун бу даргоҳга келиб,
чекмишди нолалар,
Сен ҳам энди бу халқага
кирсанг савоб ўлур.

Сўрдим саволки, ошиқмен,
бўлгайми бир самар?
Келди жавобим: ишқ аро
минг бир азоб ўлур.

Сўрдим саволки, йўлчимен,
етгайму матлабим?
Келди жавобим: шошмагил,
боб-боб ўлур...

Фарёд солиб дедимки, оҳ
кўнглим юз порадир,
Келди садо: ҳар порасидин
бир китоб ўлур...

Даргоҳингга қай юз билан
Боргайман, эй Хўжам? —
Десам, деди: кўз ёшларинг
сенга хижоб ўлур...

Тошига бош уриб, Жамол,
этдим илтижо,
Шояд дуоларим бир кун
мустажоб ўлур...

Ён дафтардаги қайдлардан...

● Тарих ва фалсафа бугунни кўпроқ кечаги кунга қиёслаб очади ва баҳолайди... Бадиий адабиёт эса бугунни кўпроқ эртанги кун нуқтаи назаридан ёритади, талқин этади...

Шу маънода, адабиёт—истиқбол элчиси, дейишга ҳақлимиз...

* * *

● Ҳақиқий шеърда сўз шакл-шамойил, ранг-бўёқ, таъм-маза, салмоқ ва оҳангга эга бўлади... Шоир уни қалб кўзи билан кўриб, қалб кафтида салмоқлаб, қалб қулоғида жаранглатиб ишлатади... Оддий ўқувчидан сўз соҳибига, ундан эса сўз санъаткорига кўтарилиш учун «сўз сезгиси», «сўз жозибаси», «сўз сеҳри» каби босқичлар мавжуд. Лирикада сўз сеҳрининг ҳосияти буюк ва у буюк шоирларгагина муяссар бўлади...

* * *

● Оламдан мақсад — одам, одамдан мақсад—Худо, Худодан мақсад — камолот... Камолотнинг эса чек-чегараси йўқ...

Мана, сизга буюк Шарқ ҳикмати, боқий дастур, мангу барҳаёт фалсафа...

* * *

● Биласизки, рус тилидан ўгирилган Шекспир асарларида қоровул ёки оддий бир аскар «Эй шоҳим, сен ундоқ қилма, бундоқ қил» деб подшога сўз қотади... Яъни, ўз ҳукмдорига сенсираб гапиради... Шекспирни инглиз тилидан таржима қиларканман, тамом тескари аҳволга дуч келдим!.. Аслиятда ҳеч ким ҳеч кимни сенсирамайди... Ҳамма ҳаммани сизлаб гапиради... Сабабки, инглиз тилида «сен» деган сўзнинг ўзи йўқ...

Биз ҳам боболаримиз удумига амал қилиб, болаларимизни сизлаб гапиришга ўтсак, ёмон бўлмасди...

* * *

● Урумчидан келган бир уйғур йигит билан суҳбатлашдим. У нохушланиб деди:

— Мана, икки ҳафтадирки, Тошкенту Фарғонани кезиб юрибман. Ношукр халқ экансиз... Мустақиллик билан табрикласам, гўшт қиммат, арақ қиммат, дейишади... Агар бизга мустақиллик тегса борми, сўнгги кийимларни ҳам ечиб бериб, супургининг уруғини еб, тирикчилик қилишга рози бўлардик...

МИЛЛАТНИНГ ҲУСНИ

ХАР гал адл қомат, хуш сурат йигит-қизлардан учратиб қолсам, ўзимда йўқ суюниб кетаман. «Бор экан-ку!» дейман беихтиёр... Спорт мусобақаларида бирорта ўзбекнинг қўли устун келса — уйимизда байрам. Ўз халқининг гўзал ва бежирим, эпчил ва паҳлавон бўлишини ким истамайди?

Тоғнинг ҳам, боғнинг ҳам Худойим берган кўрки бор. Ҳаттоки энг увоқ майса-гиёҳ, қурт-қумурсқанинг ҳам ажиб нафосати, бетакрор шаклу шамойили бўлади... Хўш, Худо яратган зоти-шариф инсоннинг ва инсонлар мажмуи бўлмиш халқнинг, миллатнинг ўзига хос ҳусну таровати бўлмайдими? Гап ана шу ҳақда.

Илгари бу тўғрида сўз очиш, муҳокама юритиш ножоиз эди. Сабаби аён: коммунистик мафкура... Коммунистик мафкура учун — миллат дегани гўёки бир хандақ лой, истаса ундан пахса девор ясар, хоҳласа, лўмбоз қилиб, томга босарди... Хайриятки, ўша балодан қутилдик. От айланиб, қозиғини топар деганларидек, ҳамма нарса аслига қайтмоқда. Бугун биз учун миллат — буюк илоҳий тушунча. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, Худодан кейинги иккинчи муқаддас мавжум...

Бас, миллатни ўйламоғимиз, унинг муаммоларини сўйламоғимиз даркор. Миллатимиз аста-секин қаддини ростлаб, жаҳон миллатлари даврасига кириб бормоқда. Энди унинг ёлғиз сийрати эмас, суврати ҳақида ҳам жон куйдириш — вазифамиздир. Аслида-ку бу — шартли бўлиниш, ниқобий гап. Суврат ва сийрат — узвийдир, эгизакдир, арқоқ-эриш каби бир-бирига қоришиқдир. Сийрат сувратда акс этади, суврат сийрат саси етаклайди...

Она табиат, тангри таоло халқимиздан ҳусну-таровот, савлат-салобатни аямаган. Бўйлари чинордек азамат йигитлар, самбит гули навдасидек адл қоматли қизлар бизда бўлган. Бу юртнинг гўзаллари фотиҳ Искандарнинг ҳам ақлини шоширган. Қатиқ тўкилса, юқи қолади, деганларидек, ҳозир ҳам учраб туради. Аммо, афсуслар бўлсинким, кўпмас. Гап ана шу хусусда.

Мустамлакачилик асорати туфайли халқимизнинг бошги эгилиб, қомати букилди. Маъюс, йиғлоқи, ҳазин қўшиқлар куйловчи халққа айланиб қолдик. Айниқса, совет даврида зулм-истибдод авжига чиқди. Ҳар ўн йилда бир карра такрорланиб турган қатли ом, қама-қама, ур-сурлар халқнинг кўнглини чўктирди, руҳини сўндирди. Узлуксиз меҳнат-машаққатлар унинг тинка-мадорини қуритди. Ночор маишат элнинг қиёфасига ўз муҳрини босди. Атроф-муҳитнинг булғаниш, ер, сув, ҳавонинг заҳарланиши дард устига чипқон бўлди. Ҳорғинланиб, сўлғинлашиб боравердик. Қизларимиз қаримсиқ, йигитларимиз муккасидан мўйсафидларга ўхшаб қолди. Аммо негадир бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрмадик. Худди ўчакишгандек, ақл биланмас, жаҳл билан иш юритдик. Фалокатнинг йўлини тўсиш ўрнига унга эшикларимизни ланг очиб бердик. Иллатнинг илдизини қуритиш ўрнига уни ўзимиз тобора авж олдирдик. Гап ана шу тўғрида.

Тошкентдаги собиқ партия мактаби яқинида махсус болалар касалхонаси бор. Бир шу ёққа йўлим тушиб, бир нарсаларни кўрдим-у, ёқамни ушлаб қолдим ва узоқ вақт ўзимга келолмай юрдим... Юзлаб қинғир-қийшиқ гўдаклар, майиб-мажруҳ болакайлар.. Баъзилари қўлсиз-оёқсиз, баъзилари кўзсиз, қулоқсиз... Худди ҳашаротдек ерда ўрмалаб юришибди... Докторлардан суриштирсам, кайф устида бўлган бахтиқаролар, дейишди... Шунда беихтиёр тўйларимиз ёдимга тушди. Биласиз, ҳар йили августда юртимизда тўй маҳсуми бошланади. Йигитларимиз ҳар кеча тўйга боришади. Тўйгунча ичишиб, маст-аласт бўлиб уйга қайтишади. Сўнг шу алпозда... Мастлик — бу ихтиёрий жиннилик... Жиннидан соғ бола туғилганини кўрганмисиз? Мана, сизга оқибат...

Кейинги пайтларда бу иллат тағин ҳам газак олиб, янада хунукроқ шамойилда кўрина бошлади. Тўйда ёлғиз меҳмонлармас, келин-куёвлар ҳам ичишади. Агар ичишмаса, ичиришади. Ширакайф жўралар, баъзан етти ёт бегоналар келин-куёвга тақалиб ёки гирдикапалак бўлиб, кетма-кет қадаҳ тутишади. Ҳой, тўхта, дейдиган одам йўқ. Гўёки, бу табиий бир ҳолдек. Қарабсизки, тўй охирида куёв ҳам, келин ҳам маст. Кейин ўша маст-аластлик ҳолатида... ча йигитлар паст бўйли қизларга уйланишлари, узун бўйли қизлар паст бўйли йигитларга турмушга чиқишлари лозимлиги ҳақида сўзларди. Шунда миллатнинг бўйи текисланади, дерди у... Сўнг эр-хотинлик бурчига тўхталарди. Бу — инсон ҳаётида улуғ ва қутлуғ воқеа. Негаки, эр-хотин бўлишдан мақсад — фарзанд кўриш... Бас, шундоқ экан, бу ишга астойдил ҳозирлик кўриш даркор. Шундоқ тайёрланиш керакки, эр ўзини султон, хотин ўзини малика деб ҳис этсин... Ғанимларга бош эгмайдиган, ҳамиша кўкси тоғ, арслондек йигитлар ана ўшанда дунёга келади... Ғам-ташвишга ботиб, ҳорғин-йўрғин бўлиб юрганлардан эса мижғовлар туғилади. Улар ҳеч қачон ёнмайди, умр бўйи тутаб ўтади, дерди профессор Гелах... Биз, нодонлар бу гапларга кулардик. Чунки бу гапларни ундан бўлак ҳеч кимсадан эшитмасдик.

Миллатимизнинг ҳусни-ни, наслини бузаётган иллатлардан яна бири — яқин қариндош-уруғлар орасидаги қуда-андачилик...

Бултур Тошкентда тўй йили бўлди, десам, муболаға бўлмас, Наҳорги ошларга қатнайвериб, чарчадик. Ҳар гал ош устида бўлажак қуда-андаларни суриштирдим. Кўпчилиги яқин қариндош-уруғлар бўлиб чиқишди. Ачиндим, афсусландим, аммо не фойда? Бўладигани бўлган эди. Энди бу ёғига эҳтиёт бўлишимиз керак. Ахир яқин қариндош-уруғларнинг никоҳга киришлари ёмон оқибатларга олиб келишини, шу туфайли хунук, касалманд, ланж, лаёқатсиз болалар туғилишини нега ўйлаб кўрмаймиз? Нега бу ҳақда боғ урмаймиз? Жамоаларда, мактабларда, масжидларда, маърака-мавлуд, тўй-ҳашамларда овозимизни баланд қўйиб, нега шу ҳақда гапирмаймиз?

Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, Миср давлати мустақилликка эришгандан сўнг мисрликларнинг бўйи ўсиб кетибди. Бу бежизмас. Руҳан озод бўлган халқнинг жисман эркин нафас олиши табиий. Ҳуррият, истиқлол элнинг кўнглини кўтаради, кўксини тоғ қилади. Яқин йиллар ичида ўзбеклар, балки бутун туркистонликларнинг ҳам бўйи чўзилиб қолса, ажабмас. Аммо бу ёғи ўзимизга ҳам боғлиқ. Ҳаракатда баракат, дейишади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Халқ таълими вазирлиги биргаликда болаларимизнинг бўйини ўстириш бўйича амалий бир дастур ишлаб чиқишса, ёмон бўлмасди. Фикри ожизимча, ёшларимиз орасида югуриш, сакраш, чўзилиш, сузиш машқларини мунтазам адо қилиш ғоятда муҳим. Шаклланиб келаётган миллий қўшинимиз учун дуркун, соғлом, дев қоматли, азамат йигитлар керак. Ўзбекистонимизнинг шон-шуҳратини дунёга таратувчи машҳур спортчилар етишиб чиқишини кўзимиз тўрт бўлиб кутамиз. Ёшларимизни ана шу соҳаларга кўпроқ жалб этайлик...

Миллатимизнинг ҳуснига доғ бўлиб тушаётган иллатлардан тағин биттаси қорин эканлигини айтмасам бўлмас. Болаликдан қулоғимизга қўйилган «қорин бойлар» деган гаплар беҳуда. Қорин — бойлик аломати эмас. Қуллик, камбағаллик белгиси. Чинакам бой-бадавлат кимсаларда қорин бўлмайди, Қул-қарам, камбағалбечора киши эртаси кунига ишонмайди, Ҳозирни ҳузур билади, олдига келганин аямай қорингга жойлайверади. Натижада қорин қўяди... Бадавлатнинг эса кўнгли тўқ, эртаси ҳам, индини ҳам таъминланган. Шунинг учун меъёрида ейди, меъёрида ичади. Қорин қўймайди, қорин қўйганларни жинни суймайди.

Республикамизга келиб-кетаётган хорижий сайёҳларга диққат қилинг. Улар орасида қориндорлар йўқ ҳисоби.

Хуллас, энди қоринларни йўқотайлик! Акс ҳолда миллатнинг ҳуснини тиклаб ҳам, қайтариб ҳам бўлмайди. Амир Темур Кўрагоний бир варакай етти от устидан сакрай олгани, Мавлоно Жалолиддин Румий ўзини очлик билан тоблаб, қорнига тош боғлаб юрганини бот-бот эсга олайлик.

Ниҳоят, миллатимизнинг соғлиғи, демакки ҳуснига ҳам катта путур етказган фалокатлардан яна бири — даҳрийлик, атеизм эканлигини айтишга тўғри келади. Сизу бизнинг жисмимиз бу — ёлғиз сизу бизнинг жисмимиз эмас. Минг йиллар давомида отадан ўғилга, авлоддан авлодга суяк суриб, ўтиб келаётган мумтоз тан, воҳид бадан... Ўйлаб қаранг, ана шу давр ичида ҳар бир авлод ҳар куни беш вақт намоз ўқиган, беш карра эгилиб-букилган. Мунтазам равишда ҳар куни беш марта ҳам руҳий, ҳам жисмоний покланиш — таҳорат билан машғул бўлган... Бизга келганда ана шу узлуксиз машқ-ҳаракатлар тўхтади. Сув ҳам оқиб турса — сув... Оқмаса айнийди. Бас, даҳрийлик кўйига, кириб, ҳаракатдан тўхтаган танларимизга касалликлар уя қуриб олди, десам хато бўлмас. Энди ана шу фалокатга ҳам чек қўяйлик. Ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлиғимиз учун кундалик тоат-ибодатлар шарофатидан баҳраманд бўлайлик.

Биламиз, ўлим ҳақ. Лекин инсон дунёга фақат ўлиш учун келмайди. Инсон дунёга Худони таниш учун келади. Худони таниган инсонга комиллик, баркамоллик эшиклари очилади... Демак, инсон дунёга комил инсон бўлиш учун келади. У ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан мукаммал бўлишга интилади. Турмушим ҳам, давроним ҳам гўзал, тўкис, мукаммал бўлсин, дейди. Ватанини обод, эл-юртини шод этиш йўлида куч-ғайратини аямайди. Буюк боболаримизнинг «Дил ба ёру даст бакор» ўгитига суяниб, қалбини имондан, қўлини ишдан айирмайди. Бу абадият қонуни ва абадий камолот фалсафаси... Ана шу жаҳоншумул фалсафага амал қилиб, Ватанимизнинг жаҳон аро обрў-эътиборини тиклайлик, миллатимизнинг азалий кўрки, чиройини ўзига қайтарайлик. Бир пайтлар зиёлиларимиз орасида машҳур бўлган «ҳусни дил», «ҳусни ахлоқ» деган тушунчаларга яна қайтайлик. Токи, халқимиз дунё даврасига киргунда бошқалардан кам бўлмасин. Худо берган ҳусну таровати, сеҳру салобати билан яшнаб, ярқираб турсин...

Онажоним...

Онажоним, юзларингдек
суврату сиймо қани?
Айрилиб, армонда қолдим,
менга у дунё қани?
Ялт этиб, кечдинг кўзимдин
туш каби, рўё каби,
Кўзларимга энди сендек
туш қани, рўё қани?

Ҳасан Раҳматий ашулалари

Бастакор Юнус ота
то элни шайдо айлади,
Ҳар мақомда юз мақом
машқини пайдо айлади.
Чертди танбур, сочди дунёга
садолар сеҳрини,
Ҳам кўнгилларга наволар
меҳрини жо айлади.
У «Баёт» этганда оғоз,
оқди анҳори азим,
Эй, қаро кўзим, деди,
«Ушшоқ»ни дарё айлади.
Лаҳза-лаҳза урди ноҳун,
зарра-зарра йиғди ганж,
Сўнг у ганжни саҳфа-саҳфа
ёзди, иншо айлади.
Гоҳ Навоий бўлди қўлдош,
гоҳи Машраб бўлди эш,
Ҳар сатрдан неча маъноии
таманно айлади...
Эй ёронлар, жон қуши
парвози эрмиш Шашмақом,
Шашмақомни юртга зийнат,
элга туғро айлади.
Эй Ҳасан, сен ҳам мақом
айтиб бугун оламни кез,
Чунки устозинг мақомни
олам оро айлади...

Ноз



Кўзларимни бир табассум
Утидин ёндирди ноз,
Боққан эрдим, бир табассумдин
Яна тиндирди ноз.
Кўзларимни ноз фақат
Оқдингу кетдинг йироқлаб
бир буюк дарё мисол,
Ташналаб қолдим, тўйиб
ичмоққа у дарё қани?
Сендин айрилган куни
қолдим умр саҳросида,
Изларинг изларман энди,
менга у саҳро қани?
Хотирамда ой юзинг,
юлдуз кўзинг эрди мудом,
Осмонни тун босибдир,
Ой қани, Зуҳро қани?
Бош қўяй дерман оёғингга,
тополмай зорман,
Қўйгани бошимни бир дам
менга Байтуллоҳ қани.
Онайизорсан Жамолга
у жаҳону бу жаҳон,
Онажоним юзларингдек
суврату сиймо қани?

Ёндирмади, тиндирмади,
Синмаган не-не назокатларни
Ҳам синдирди ноз.
Гоҳи бир дам сўнган ўтга
Ўт солиб, этди баланд,
Гоҳи бир дам ёнган ўтга
Сув сепиб, сўндирди ноз.
Ноз деган бундоқ бўларкан,
Нозу истиғно билан
Бўлганимча бўлган эрдим,
Йўқ, яна бўлдирди ноз.
Чарх уриб, қошдин ишора учди,
Кўздин бир имо,
Қимтиниб, лаб ларза солган
Чоғида ўлдирди ноз.
Ғамзаа ўқидин йиқилдинг,
Ёрга таслимсан, Жамол,
Оқибат не-не балоларга
Сени кўндирди ноз...

Соғиниш

Қолибдир интизор бу кўзларим
Кўзу қароғингда,
Кечарлар кечалар васлинг тилаб,
Доим сўроғингда...
Паришонҳол, дея айб этмасинлар
Жўралар зинҳор,
Агар маъюсланиб кундузлари
Юрсам фироғингда.
Йироқман, дилбарим, аммо
Ҳаёлинг билан ўртоқман,
Ёнарман тонггача парвонадек
Шаъми чароғингда.
Тасаллилар билан қошимга
Келдинг уйқуда, жоно,
Қошингда соя ўйнаб, шуълалар
яшнаб яноғингда.
Соғинган кўзларимга мисли йўқ
Жононасан, тонг йўқ,
Бу жоним, бу жаҳоним
Ишқин ичра, иштиёқингда.
Жамолингни хаёлинг кўзгусида,
Ёр, мунаввар тут,
Саҳарлар ой ёпинган кўзгудек
Афсона чоғингда...

Рубоий

Умримки шитоб этди, югурдим елдим,
Остонасига магар яқинлаб келдим.
Эй бахт, учар оҳу экансан, билдим,
Эй, жон фақат орзу экансан, билдим...

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

СУРУНКАЛИ АЛКОГОЛИЗМ ЁКИ ГИЁВАНДЛИККА МУБТАЛО БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ МАЖБУРИЙ ДАВОЛАШ ТЎҒРИСИДА

1. Сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус даволаш-олдини олиш муассасаларида меҳнатга муқаррар жалб этиш орқали мажбурий даволаш белгилаб қўйилсин.

Жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган ёхуд аҳолининг осойишталигига, саломатлигига ва маънавиятига хавф туғдираётган сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларга нисбатан мажбурий даволаш қўлланилади.

2. Шахсни сурункали алкоголизмга ёки гиёвандликка мубтало бўлган бемор деб топиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг белгилаган тартибда тегишли даволаш муассасалари томонидан амалга оширилади.

Шахс мажбурий даволашга жўнатиш учун тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортган ҳолларда у ички ишлар идораларининг кўмагида ўн кун муддат ичида наркология муассасасида мажбурий тарзда текширилиши керак.

3. Мазкур тоифадаги шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар тиббий хулоса бўлган тақдирда ички ишлар идоралари томонидан уларнинг ўз ташаббусига кўра ёки беморнинг оила аъзолари ёхуд қариндошларининг, меҳнат жамоаларининг, соғлиқни сақлаш муассасаларининг, ички ишлар идоралари ҳузуридаги комиссияларнинг илтимосномалари асосида тайёрланади ва расмийлаштирилади.

4. Ушбу Қонуннинг 1-моддасида кўрсатилган шахсларни мажбурий даволашга жўнатиш масаласи йигирма кунлик муддат ичида бемор яшаб турган жойдаги суд томонидан бемор иштирокида ҳал этилади.

Бемор узрсиз сабаб билан келмаса, у ички ишлар идоралари орқали мажбурий тарзда олиб келинади.

5. Суднинг мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори ҳақида устидан қарор чиқарилган шахс ёхуд унинг ҳимоячиси шикоят қилиши ёки прокурор томонидан кассация тартибида етти кунлик муддат ичида юқори турувчи судга норозилик билдирилиши мумкин.

Шикоят берилиши ёки прокурор томонидан кассация тартибида норозилик билдирилиши суд қарорининг ижросини тўхтатиб туради.

6. Суднинг шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори ички ишлар идоралари томонидан бу қарор қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб кечи билан ўн кунлик муддат ичида ижро этилади.

7. Мажбурий даволаш муддати тўғрисидаги масала даволаш муассасаси томонидан комиссиядан ўтказиш тартибида бемор даволашга жойлаштирилгач беш кун ичида ҳал қилинади.

Бемор даволанаётган даволаш муассасасининг комиссияси қабул қилган қарор асосида беморни мажбурий даволаш тўхтатилади.

8. Мажбурий даволашни ўтаётган ва даволашга ҳамда меҳнат терапиясига виждонан муносабатда бўлаётган шахсларга қонунда белгиланган тартибда таътил берилиши мумкин.

9. Шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги суднинг қарори уни ишдан бўшаш нафақаси тўламай ишдан бўшатиш учун асос бўлади.

10. Мажбурий даволанишга юборилган шахслар аввалги яшаш жойидаги турар жой майдонидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

11. Даволаш муассасасида бўлиш вақти меҳнат стажининг узилишига олиб келмайди ва умумий меҳнат стажига қўшилади.

12. Даволаш муассасаларидан мажбурий даволашдан қайтган шахсларни ишга жойлаштириш туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлари зиммасига юкланади.

13. 1-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

14. 2-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

1992 ЙИЛ ДЕКАБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «СУРУНКАЛИ АЛКОГОЛИЗМ ЁКИ ГИЁВАНДЛИККА МУБТАЛО БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ МАЖБУРИЙ ДАВОЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА 1-ИЛОВА

Қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1959 йил, 6, 2-модда);

а) 12-модданинг:

учинчи ва тўртинчи қисмларидаги « махсус даволаш ва меҳнат режими ўрнатилган медицина муассасаларида даволанадилар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларида даволанадилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми чиқариб ташлансин;

б) 167-модданинг:

сарлавҳасидаги «даволаш-меҳнат профилакториясидан ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи қисм иккинчи қисм деб ҳисоблансин;

в) 167—1-модданинг сарлавҳасидаги ва матнидаги «даволаш-меҳнат ва даволаш-ахлоқ тузатиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

г) 216—7-модда чиқариб ташлансин;

д) 216—9-модданинг диспозициясидан «ёхуд ушбу Кодекснинг 216—7-моддасида назарда тутилган ножўя ҳаракатлар учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1959 йил, 6, 3-модда):

а) 97-модданинг 3-бандидан «даволаш-меҳнат профилактори ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 108-модданинг тўртинчи қисмидан «216—7» рақамлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1985 йил 13 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1985 йил, 35, 411-модда):

а) 48-модданинг:

сарлавҳасидан «ёхуд наркотик воситаларни врач буйруғисиз истеъмол қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

моддадан «шунингдек (наркотик воситалари) врач буйруғисиз истеъмол қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

моддага берилган изоҳдан «шунингдек бундай шахс наркотик воситаларни врач буйруғисиз истеъмол қилиши муносабати билан ихтиёрий равишда мурожаат қилиб келса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 191-модданинг сарлавҳаси ва матнидан «даволаш-меҳнат ва даволаш тарбия» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

в) 305-модданинг биринчи қисми «42-44» рақамларидан сўнг «48» рақами билан тўлдирилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1970 йил 24 июндаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Аҳлоқ тузатиш-меҳнат Кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1970 йил, 18, 168-модда) 76-моддасининг учинчи қисмидаги «махсус даволаш ва меҳнат режими бўлган медицина муассасаларида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг 1971 йил 17 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат қонунлари Кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1971 йил, 34, 322-модда) 37-модда биринчи қисмининг 4-бандидаги «даволаш-меҳнат профилактори ёки» деган сўзлар «ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг 1983 йил 5 июлдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой Кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1983 йил, 19, 320-модда) 67-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги мазмунда бўлган 5-1-банди билан тўлдирилсин:

«5-1) мажбуран даволаш учун ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасасига жойлаштирилганда — у ерда бўлинган бутун давр мобайнида сақланади».

7. Ўзбекистон Республикасининг 1970 йил 23 декабрдаги «Соғлиқни сақлаш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1970 йил, 36, 426-модда) 51-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

51-модда. Сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни даволаш

Жамоат тартибини бузаётган, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган ёҳуд аҳолининг осойишталигини, саломатлигини ва маънавиятини хавф-хатарда қолдираётган сурункали алкоголизм ва гиёвандликка мубтало бўлган беморлар ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларида мажбурий тарзда даволаниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларига юбориш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

51-1-модда чиқариб ташлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1970 йил 29 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси кузатув комиссиялари тўғрисида»ги Низомнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1970 йил, 31, 366-модда) 9-модда:

«м» бандидаги «махсус даволаш ва меҳнат режими бўлган медицина муассасаларида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«т» бандидан «ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни даволашга ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларининг тарбия-меҳнат профилакторийларининг фаолиятини назорат қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

«т» сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни даволашга ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларининг тарбия-меҳнат профилакторийларининг фаолиятини назорат қилиш».

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1967 йил 31 майдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялари тўғрисидаги Низомининг Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1985 йил 31 октябрдаги Фармони асосидаги таҳририда — (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1985 йил, 31, 363-модда):

а) 1-моддасидан, 10-моддасининг биринчи қисмидан, 12-моддасидан, 13-моддасининг биринчи қисмидан, 24-моддасининг еттинчи қисмидан «ва даволаш-тарбия» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 14-моддасининг «а» бандидан «ва даволаш-тарбия» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«и» бандидан «даволаш-тарбия профилакторийсининг маъмурияти билан биргаликда даволаш-тарбия профилакторийсидан муддатидан илгари озод қилиш тўғрисида судга тақдимнома билан кирадилар: ўн саккиз ёшга тўлган, гиёвандликка мубтало бўлган беморларни даволаш-тарбия профилакторийсидан даволаш-меҳнат профилакторийсига тақдимнома билан судга мурожаат қилиш хусусида даволаш-тарбия профилакторийси маъмуриятига розилик берадилар» деган жумла чиқариб ташлансин.

«н» бандидан «шунингдек ўн саккиз ёшга тўлган гиёвандликка мубтало бўлган беморларни профилакторийда қолдириш хусусида даволаш-тарбия профилакторийси маъмуриятига розилик берадилар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

в) 18-моддасидаги «з» банди чиқариб ташлансин; «и» банди «з» банди деб ҳисоблансин.

г) 19-моддасининг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вояга етмаганлар махсус ўқув-тарбия муассасаларига ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар розилигисиз ҳам вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг қарорига биноан юборилиши мумкин. Махсус ўқув-тарбия муассасаларига юбориш тўғрисидаги ишлар фақат прокурор иштирокидагина қараб чиқилади».

д) «26-модданинг биринчи қисмидан «ёки даволаш-тарбия», наркомания касаллигига йўлиққанлар учун даволаш-тарбия профилакторийлари бундан мустасноди» деган сўзлар чиқариб ташлансин:

е) 27-моддасининг биринчи қисмидан «ёки даволаш-тарбия» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1967 йил 31 майдаги Фармони билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1985 йил 31 октябрдаги Фармони таҳририда) Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1985 йил, 31, 361-модда — Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1985 йил 31 октябрдаги Фармони таҳририда):

а) 8-моддасининг:

«в», «г», «д» ва «е» бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

в) корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда алкоголни ёки гиёванд моддаларни суиистеъмол қилувчи шахслар ўртасида зарур тарбиявий ишлар олиб боришни ташкил этишда қатнашадилар, бу ишга меҳнат жамоаларини, жамоат ташкилотлари ва ташаббускор жамоат идоралари вакилларини кенг жалб этадилар; алкоголни ёки гиёванд моддаларни суиистеъмол қилувчи шахсларни қайта тарбиялашда жамоат ташкилотларига ва меҳнат жамоаларига ёрдам берадилар, алкоголни суиистеъмол қилувчи шахсларга жамоат таъсири ва маъмурий таъсир кўрсатиш қанчалик самарали эканлигини текшириб турадилар;

г) ичкиликбозлик ёки гиёвандлик учун илгари маъмурий жазога тортилган ёки жамоат таъсири кўрсатиш чораси қўлланилган, алкоголни ёки гиёванд моддаларни мунтазам суиистеъмол қилиб, бир неча бор медицина ҳушёрхонасига тушган шахсларни аниқлаб топиш ва ҳисобга олишда ички ишлар ва соғлиқни сақлаш идоралари олиб борадиган ишларни назорат қилиб турадилар, бундай шахслар турмушда ва ишлаб чиқаришда ўзларини қандай тутаётганликларини устидан доимий жамоат назорати олиб борилишини уюштирадилар; сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни тегишли медицина муассасаларига мажбурий юбориш юзасидан зарур чоралар кўрадилар, шунингдек ичкиликбозлик, алкоголизм ва гиёвандликка барҳам беришга қаратилган бошқа огоҳлантирувчи чораларни кўрадилар;

д) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг медицина ҳушёрхоналари ва ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш профилакторийларнинг ишларини текшириб турадилар, шунингдек мазкур профилакторийларда бўлган шахсларни қайта тарбиялаш ва ахлоқни тузатиш ишларида шу профилакторийлар маъмуриятига ёрдам берадилар;

е) даволаш профилакторийсидан мажбурий даволаниб қайтган шахсларнинг хулқ-атвори устидан жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари назорат қилиб боришини ташкил этадилар ва уларга ишга жойлашишда ёрдам кўрсатадилар;

б) 9-модданинг «ж» банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ж) жамоат тартибини бузаётган, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, ёхуд аҳолининг осойишталиги, соғлиги ва маънавиятини хавф остида қолдираётган сурункали алкоголизм ва гиёвандликка мубтало бўлганларни мажбурий даволаш ва меҳнатда қайта тарбиялаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларига юбориш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиш».

12. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1985 йил 31 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган «Корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ва уларнинг структуравий бўлинмаларида тузиладиган ичкиликбозликка қарши кураш олиб борувчи комиссиялар тўғрисидаги Низом» (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1985 йил, № 31, 362-модда):

а) 5-моддасининг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) меҳнат жамоасининг ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларида мажбурий даволаниш кўрсатмаларини ўтган аъзолари хулқ-атворини назорат қилиб боради».

б) 6-моддасининг 5-бандидан «ихтиёрий даволанишдан бош тортиб келаётган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми 1985 йил 25 майда қабул қилган «Ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш, самогон тайёрлашга барҳам бериш тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1985 йил, № 16, 169-модда) 26-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26-модда. Жамоат тартибини бузаётган, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган ёхуд аҳолининг осойишталигини, соғлигини ва маънавиятини хавф остида қолдираётган сурункали алкоголизмга мубтало бўлган беморлар суднинг қарорига мувофиқ мажбурий даволаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг махсус даволаш-олдини олиш муассасаларига жўнатилиши керак.

Қайд этилган тоифадаги шахсларни мажбурий даволашга жўнатиш тўғрисидаги масала суд томонидан очиқ суд мажлисида, медицина хулосаси мавжуд бўлган ҳолда ҳамда ички ишлар идоралари ўз ташаббусига кўра ёки бемор оила аъзоларининг ёхуд қариндошларининг, меҳнат жамоаларининг, соғлиқни сақлаш муассасаларининг, шунингдек ички ишлар, шаҳар, шаҳардаги туман комиссияларининг аризасига асосан тайёрланадиган ва жўнатиладиган материаллар асосида ҳал этилади.

Мажбурий даво муддати даволаш муассасаси томонидан бемор даволанишга ётқизилган кундан бошлаб, беш кунлик муддат ичида комиссия хоҳиш-иродасига кўра белгиланади».

1992 ЙИЛ ДЕКАБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «СУРУНКАЛИ АЛКОГОЛИЗМ ЁКИ ГИЁВАНДЛИККА МУБТАЛО БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ МАЖБУРИЙ ДАВОЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА 2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1973 йил 22 февралдаги «Хроник алкоголиклар ва гиёвандлик (наркомания) касалига йўлиққанлар учун даволаш — меҳнат профилакторийлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1973 йил, № 6, 96-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1982 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш масалаларига оид баъзи қонун актларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Фармонининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1982 йил, № 16, 278-модда) 3-моддаси ва 6-моддасидаги йигирма бешинчи хатбоши.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Хроник алкоголиклар ва наркомания касалига йўлиққанларни мажбурий даволаш ва меҳнатда қайта тарбиялаш тўғрисида»ги Фармонига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми 1984 йил 2 декабрда қабул қилган Фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1984 йил, № 34, 474-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун актларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармонларини тасдиқлаш ҳақида» 1984 йилнинг 3 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1984 йил, № 34, 485-модда) Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Хроник алкоголиклар ва гиёвандлик (наркомания) касалига йўлиққанларни мажбурий даволаш ва меҳнатда қайта тарбиялаш тўғрисида»ги Фармонига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 1984 йил 2 декабрь Фармони»га оид қисми.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1984 йил 2 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Хроник алкоголиклар ва гиёвандлик (наркомания) касалига йўлиққанларни мажбурий даволаш ва меҳнатда қайта тарбиялаш тўғрисида»ги Фармонининг қўлланиш тартиби ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1984 йил, № 34, 476-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1985 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг баъзи бир қонун актларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1985 йил, № 31, 360-модда).

7. «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг баъзи қонунбузарликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг айрим кодексларига ва бошқа қонун актларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақида» 1985 йилнинг 13 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1985 йил, № 35, 414-модда) «Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун актларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 1985 йил 31 октябрь Фармони»га оид қисми.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1986 йил 17 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун актларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ҳамда наркомания касаллигига йўлиққанлар учун даволаш-тарбия профилакторийси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1986 йил, № 33, 387-модда).

9. «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун актларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармонларини тасдиқлаш ҳақида» 1986 йилнинг 6 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1986 йил, № 34, 417-модда) «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун актларига ўзгартириш киритиш тўғрисида ҳамда наркомания касаллигига йўлиққанлар учун даволаш-тарбия профилакторийси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1986 йил 17 ноябрь Фармонига оид қисми.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1987 йил 7 августидаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа Қонун актларига ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1987 йил № 23, 250-модда) I-бўлимининг 1-моддаси, IV ва V бўлимлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

СУРУНКАЛИ АЛКОГОЛИЗМ ЁКИ ГИЁВАНДЛИККА МУБТАЛО БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ МАЖБУРИЙ ДАВОЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. «Сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 1992 йил 25 декабрдан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси:

сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни даволаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг махсус даволаш-олдини олиш муассасалари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг махсус даволаш-олдини олиш муассасаларини ташкил этиш ва у иш бошлаши учун майдон ва хоналар ажратиш масаласини, шунингдек, уни моддий-техникавий жиҳатдан ва маблағ билан таъминлаш масалаларини қараб чиқсин ва ҳал этсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини «Сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, ҳолга келтирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни даволовчи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг махсус даволаш-олдини олиш муассасалари қўриқланишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси **Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

ТАНГА МУБОРАК

Россия Федерацияси марказий банки Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси — масжиди тасвири туширилган беш сўмлик ёдгорлик тангани муомалага чиқаради.

Мис ва никель қотишмасидан тайёрланган янги оқ танганинг айланаси 35 мм га тенг бўлади.

Танганинг ўнг томонида ҳудудида 14 аср ёдгорлиги жойлашган Қозоғистон Республикасининг номи қозоқ тилида ўйиб ёзилган, ҳошиясида эса «Россия банки» деган русча ёзув бўлади. Шунингдек, Ленинград зарбхонаси ва танга зарб этилган сана — 1992 йил акс эттирилган ёзув ҳам рус тилида ўйиб ёзилган бўлади.

Танганинг иккинчи томонида эса Амир Темур замонида қурилган ва Абдуллахон Шайбоний томонидан таъмир этилган ушбу обиданинг тасвири туширилган, ҳошиясига «Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси», «Туркистон», «14 аср» деган ёзувлар рус тилида ўйиб ёзилган бўлади.

Айни чоғда Россия Федерацияси марказий банки Еқутистоннинг қўшиб олиниши муносабати билан 100 сўмлик олтин тангани муомалага чиқарадиган бўлди. Бу танга Аҳмад Яссавий мақбараси тасвири туширилган тангадан фарқли ўлароқ, фақат тижорат мақсадида муомалага киритилади.

(ЎзА).

ТОШКЕНТДА ЕР ҚИМИРЛАДИ

Тошкент сейсмологик станциясидан хабар қилишларича 24 декабрь куни соат 10 дан 10 дақиқа ўтганда республика пойтахтида 3—4 балл куч билан ер силкинган. Зилзила маркази Тошкентдан қарийб 300 километр нарида — Қирғизистон Республикаси Талас шаҳрининг шарқий қисмида бўлиб, у ерда ер силкиниши 6—7 баллни ташкил этган.

(ЎзА).

Республика «Пойафзал ва спорт моллари» акционерлик бирлашмаси маъмурияти, Хоразм «Пойафзал» акционерлик жамияти раиси К. Ю. Аллабергановга отаси

Йўлдошбой АЛЛАБЕРГАНОВнинг

вафоти туфайли чуқур таъзия билдиради.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:


Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: С. СИРОЖИДДИНОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—20.00. Г — 512 № 253. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.